

**УРГАНЧ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИХУЗУРИДАГИ  
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
PhD.03/30.06.2021.Tar.55.05 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**УРГАНЧ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**ВАИСОВ АЗАД ХАСАНОВИЧ**

**МУСТАҚИЛЛИК ЙИЛЛАРИДА ХОРАЗМ ВИЛОЯТИ ИЖТИМОЙ-  
ИҚТИСОДИЙ ВА МАДАНИЙ ҲАЁТИДАГИ ЎЗГАРИШЛАР  
(1991-2021йй.)**

**07.00.01 – Ўзбекистон тарихи**

**ТАРИХ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Урганч – 2022**

УДК:94:316.344.2(575.171)“1991/2021”

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)**

**Contents of abstract of the doctor of philosophy (PhD) dissertation**

**Ваисов Азад Хасанович**

Мустақиллик йилларида Хоразм вилояти ижтимоий-иқтисодий ва маданий ҳаётидаги ўзгаришлар (1991–2021 йй.).....3

**Ваисов Азад Хасанович**

Изменения в социально-экономической и культурной жизни Хорезмской области за годы независимости(1991-2021 гг.).....27

**Vaisov Azad Khasanovich**

Changes in the socio-economic and cultural life of the Khorezm region during the years of independence(1991-2021).....49

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ

List of published works.....53

**УРГАНЧ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
PhD.03/30.06.2021.Tar.55.05 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**УРГАНЧ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**ВАИСОВ АЗАД ХАСАНОВИЧ**

**МУСТАҚИЛЛИК ЙИЛЛАРИДА ХОРАЗМ ВИЛОЯТИ ИЖТИМОИЙ-  
ИҚТИСОДИЙ ВА МАДАНИЙ ҲАЁТИДАГИ ЎЗГАРИШЛАР  
(1991-2021 йй.)**

**07.00.01 – Ўзбекистон тарихи**

**ТАРИХ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Урганч – 2022**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2022.2.PhD/Tar10 рақами билан рўйхатга олинган.**

Диссертация иши Урганч давлат университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида ([www.urdu.uz](http://www.urdu.uz)) ва «ZiyoNet» Ахборот таълим портали ([www.ziynet.uz](http://www.ziynet.uz)) манзилларига жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:**

**Бобожонова Дилором Бобожонова**  
тарих фанлари доктори, профессор.

**Расмий оппонентлар:**

**Кошанов Бахыт Абдикеримович**  
тарих фанлари доктори, профессор,

**Обломуродов Наим Ҳалимович**  
тарих фанлари доктори, профессор.

**Етакчи ташкилот:**

**Мирзо Улугбек номидаги Ўзбекистон**  
**Миллий университети**

Диссертация ҳимояси Урганч давлат университети ҳузуридаги илмий даражалар берувчи PhD.03/30.06.2021.Tar.55.05 Илмий кенгашнинг 2022 йил « 17 » 12 соат 14 даги мажлисида бўлиб ўтади. Манзил: 220100, Урганч шаҳри, Ҳамид Олимжон кўчаси, 14-уй. Тел.: (99862) 224-67-00; факс: (99862) 224-67-00; e-mail: urdu.uz.

Диссертация матни билан Урганч давлат университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (№ 631 рақам билан рўйхатга олинган). (220100, Урганч шаҳри, Ҳамид Олимжон кўчаси, 14-уй. Бош бино). Тел.: (99862) 224-67-00); факс: (99862) 224-67-00.

Диссертация автореферати 2022 йил « 5 » 12 да тарқатилди.  
(2022 йил « 5 » 12 даги 7 рақамли реестр баённомаси.)



**С.Р.Давлетов**

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш раиси, тарих фанлари доктори, профессор

**Я.А.Каримов**

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш илмий котиби, PhD, доцент

**У.И.Абдуллаев**

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш қошидаги Илмий семинар раиси, тарих фанлари доктори, доцент

## КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Жаҳонда инновацион жараёнлар динамикасининг ўсиши, ижтимоий-иқтисодий ва маданий тараққиётни таҳлил этиш туфайли мамлакатда амалга оширилаётган кенг қамровли ислохотлар жараёни ва уларнинг натижаларини чуқур ўрганиш муҳим ҳисобланади. Ҳозирги глобаллашув шароитида ҳар бир давлат ўз олдига улкан мақсадларни қўйиб, тараққиёт ўчоғи ҳисобланган ижтимоий-иқтисодий ва маданий соҳаларга эътибор қаратмоқда.

Дунё миқёсида иқтисодий ва маданий соҳаларни ривожлантириш йўлида замонавий инновацияларни ҳаётга татбиқ этиш, бу соҳаларда учрайдиган муаммолар сабабларини ўрганиш, иқтисодиётни ривожлантириш, маданий соҳада ўзгаришларни амалга ошириш борасида илмий ёндашувларни ишлаб чиқиш юзасидан қатор тадқиқот муассасаларида илмий изланишлар олиб борилмоқда.

Мустақилликнинг ўтган йиллари ўзбек халқи тақдирида туб ўзгаришлар даври бўлди. Амалга оширилган улкан ишлар туфайли мамлакат қиёфаси қандай ўзгариб бораётгани, ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётига мос янги хўжалик тизими ва ишлаб чиқариш муносабатлари шаклланиб, ислохотлар ва янгиланиш, ижтимоий-иқтисодий ва маданий тараққиёт масалаларини ҳар томонлама ўрганиш эҳтиёжи туғилди. Мамлакатда, шу жумладан, унинг таркибий қисми бўлган Хоразм вилоятида мазкур соҳаларда қўлга киритилган ютуқларни тарихий жиҳатдан илмий таҳлил қилган ҳолда хулоса бериш тарихчилар олдида турган муҳим вазифалардан биридир. Бу борада Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги Фармонида “Ўзбекистон тарихини ўрганиш ва тарғиб қилишни янада ривожлантириш”<sup>1</sup> мақсади қўйилган. Зеро, “ўтмишдаги ютуқ ва ғалабалардан куч-қувват олиб, хато ва мағлубиятларидан хулоса ва сабоқ чиқариб яшайдиган халқ ўзининг тараққиёт йўли ва келажагини тўғри белгилай олади”<sup>2</sup>, деб таъкидлади Президент Ш.Мирзиёев. Шу боисдан ҳам, мустақилликнинг ўтган йилларида Хоразм вилоятидаги ижтимоий-иқтисодий ва маданий соҳалардаги ўзгаришларни ҳаққоний ўрганиш долзарб вазифалардандир.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сон ва 2017 йил 24 майдаги “Хоразм вилояти соғлиқни сақлаш муассасаларида ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатишни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-4949-сон фармонлари ва 2017 йил 17 мартдаги “Қорақалпоғистон

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги ПФ-60-сон Фармони / <https://lex.uz/pdfs/5841063>.

<sup>2</sup> Шавкат Мирзиёев. Янги Ўзбекистон стратегияси.–Тошкент:Ўзбекистон, 2021.–Б.288.

Республикаси ва Хоразм вилоятида тадбиркорлик фаолиятини олиб бориш учун кўшимча қулай шароитлар яратиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2843-сон, 2018 йил 6 февралдаги “Хоразм вилоятида тадбиркорлик субъектларига давлат мулки объектларини сотиш ва кичик саноат зоналарини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида” ги ПҚ-3613-сон, 2020 йил 17 августдаги “Хоразм вилоятида тадбиркорликни ривожлантириш ва унинг инвестициявий жозибadorлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4819-сон, 2021 йил 24 июлдаги “Хоразм вилоятида қуввати 174 мвт бўлган газ-поршенли электр станцияси қурилишини ташкил этиш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-5195-сон қарорларида кўрсатилган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялар ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Диссертация республика фан ва технологиялари ривожланишининг I. “Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари” устувор йўналиши доирасида бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Бугунги кунга қадар ижтимоий фанларнинг турли соҳаларида, жумладан, тарих, ҳуқуқ, фалсафа ҳамда сиёсий фанларда мамлакат ижтимоий-иқтисодий ва маданий соҳалардаги ўзгаришлар билан боғлиқ қатор илмий-тадқиқот ишлари олиб борилган, улар иқтисодиёт ва маданият соҳасига оид масалаларни ўрганиш, мавжуд муаммоларнинг келиб чиқиш сабабларини чуқур таҳлил қилиш ва уларни ҳал қилишга қаратилган таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишда муҳим. Ушбу йўналишдаги тадқиқотларга оид адабиётларни тарихшунослик нуқтаи назаридан таҳлил этишда уларни икки гуруҳга: мустақиллик йилларидаги адабиётлар ҳамда хорижий муаллифлар асарларига ажратиш мумкин.

Мустақил Ўзбекистон тарихшунослигида вилоятлар тарихи алоҳида тадқиқот объекти сифатида кам ўрганилган. Жумладан, Хоразм вилоятининг мазкур даври тарихи алоҳида, яхлит тадқиқот иши сифатида тўлиқ ўрганилмаган. Мамлакат ижтимоий-иқтисодий ҳаётини турли соҳа олимлари маълум даражада ўрганиб, мавзуга қисман тўхталиб ўтганлар. Шу боис, Хоразм вилоятининг мазкур даврдаги ижтимоий-иқтисодий ва маданий ҳаётини ўрганиш, таҳлил этиш муҳим илмий аҳамиятга эга.

XX асрнинг сўнгги ўн йилликларида кўпгина олимлар учун Қуйи Амударё ҳудуди, жумладан, Хоразм вилояти асосий мавзуга айланди. Мазкур гуруҳлар мавзулар йўналиши ҳамда Қуйи Амударё ҳудуди ижтимоий-экологик муҳитининг муҳим масалаларини очиб бериш усули билан фарқ қилади. Аксарият адабиётларда ушбу ҳудуд ижтимоий-иқтисодий ҳаётининг фақат ижобий томонлари акс этган. Муаммо коммунистик мафкура нуқтаи назаридан ёритилган бўлса-да, улардаги

тарихий жараёнлар моҳияти очиб берилгани муҳим<sup>3</sup>. Олимлар кўплаб хужжатли манбаларни илмий муомалага киритиб, бир тизимга солишга эришганлар. Мазкур асарлар совет ҳукумати мафкуравий тазйиқи остида ёзилган бўлса-да, фактик маълумотлар қимматга эга.

**Биринчи гуруҳга** мустақилликка эришиш арафасида ва мустақиллик йилларида чоп этилган асарлар мансуб бўлиб, уларда Орол денгизи атрофидаги экологик вазият, унинг ижтимоий ҳаётга таъсири ёритилган. Жумладан, ижтимоий-иқтисодий ҳамда экологик вазият Л.Максакова, Р.Убайдуллаева, Р.Аминова, Ф.Камилова асарларида қисман ёритилган. Уларда мустақил фикрлаш, холис баҳо бериш ҳамда Ўзбекистон ҳаётидаги салбий ҳолатларни қисман бўлса-да, акс эттириш руҳи сезилади<sup>4</sup>. Ю.Шодиметов, П.Шермухаммедов, М.Аметов, С.Камолов, Р.Нуримбетов, К.Юсупбаев, Х.Одилқориев ва Б.Очиловларнинг Орол муаммоси бўйича фикрлари мавзунини ёритишда ёрдам беради. Уларда Қуйи Амударё худудидаги ижтимоий-экологик вазият ва аҳоли саломатлиги муаммолари акс эттирилган<sup>5</sup>. Муаллифлар Орол фожиаси ҳақида маҳаллий матбуот саҳифаларида ўзларининг ҳолисона муносабатларини билдирганлар<sup>6</sup>.

Б.Бобожоновнинг китоби<sup>7</sup>да мустақиллик йилларида Хоразм вилоятида олиб борилган бунёдкорлик ишлари ёритилган. ЎЗР ФА Хоразм Маъмун академиясида “Хоразм воҳаси ва унинг экологик ҳолати” мавзуида ўтказилган конференция Хоразм вилояти экологик вазиятининг ижтимоий-иқтисодий муаммоларига бағишланган<sup>8</sup>. Бозор иқтисодиётига ўтиш даврида аҳоли бандлиги, ижтимоий ҳимоялаш ва миграция масалаларини ўрганишга Л.Максакова, Д.Бобожонова, Э.Аҳмедов, Н.Обломуродов ва Ф.Толиповлар катта ҳисса қўшганлар<sup>9</sup>. Д.Бобожоновнинг “Ўзбекистонда ижтимоий-

<sup>3</sup> Алимов Т., Рафиқов А. Экологик ҳатолик сабоқлари. – Тошкент: Меҳнат, 1991. – 53 б.

<sup>4</sup> Максакова Л. Демографические проблемы занятости в УзССР. – Ташкент: Узбекистан, 1989. – 175 с.; Убайдуллаева Р. Социально-демографическое развитие трудообеспеченных районов СССР (сб. стат.). – Москва: Наука, 1989. – 206 с.; Аминова Р. Қайта қуриш шароитида Ўзбекистонда социалистик ривожланишнинг долзарб муаммолари. – Тошкент: Фан, 1991.–48 б.; Камилова Ф. Демографический потенциал Узбекистана. – Ташкент: Узбекистан, 1991. – 143 с.

<sup>5</sup> Шадиметов Ю. Региональные проблемы социальной экологии. – Ташкент: Узбекистан, 1992. – 76с.; Шермухаммедов П. Орол фожиаси – дунё муаммоси // Халқ сўзи. 1993. 4 август; Аметов М. Пустыня и лес: кто одалеет? // Вести Каракалпакстана. 1995. 17 сентябрь; Камалов С. Аральский кризис и некоторые проблемы социально-экономического развития Каракалпакстана // сб. Медико-экологические проблемы Приаралья и здоровье населения. – Нукус, 1991.; Его же. Социально-экономическое положение Каракалпакстана и Аральская катастрофа // Вестник ККО АНРУз.–Нукус, 1999.–№ 6.–С.3-7; Одилқориев Х., Очилов Б. Республика Узбекистан как основной субъект международного сотрудничества по охране водных ресурсов Аральского моря и Приаралья // Международные отношения.–Тошкент, 2001.–№2.–С.97.

<sup>6</sup> Аметов М. Пустыня и лес: кто одалеет? // Вести Каракалпакстана. 1995. 17 сентябрь; Курбанов Б. Леса – народное достояние, но они продолжают гореть // Вести Каракалпакстана. 1995. 5 декабря.

<sup>7</sup> Бобожонов Б. Асрга тенг йиллар (Хоразм вилояти мустақиллик йилларида).–Тошкент:Истиқлол, 2001.–192 б.; Ўша муаллиф. Асрга тенг йиллар (Хоразм вилояти мустақиллик йилларида), 2-китоб.–Тошкент:YANGI NASHR, 2011. – 272 б.

<sup>8</sup> Хоразм воҳаси ва унинг экологик ҳолати // Республика илмий-амалий конференцияси. ЎЗР ФА Хоразм Маъмун академияси. – Хива, 2004. – 115 б.

<sup>9</sup> Максакова Л. Проблемы обеспечения занятости трудовых ресурсов Республики Узбекистан в переходный период к рынку. – Ташкент, 1995. – 42 с.; Бобожонова Д. Ўзбекистонда демографик жараёнлар ва уларнинг хусусияти. – Тошкент: Фан, 1995. – 94 б.; Аҳмедов Э. Ўзбекистон шаҳарлари мустақиллик йилларида. – Тошкент: Ибн Сино номли нашриёт, 2002. – 224 б.; Обломуродов Н., Толипов Ф. Ўзбекистонда солиқлар тарихи.–Тошкент:IQTISOD-MOLIYA, 2009. – 180 б.

иктисодий муносабатлар” номли қўлланмасида ижтимоий-иктисодий муносабатлар, аҳоли бандлиги масалалари таҳлил қилинган<sup>10</sup>.

Ўзбекистон аҳолиси таркиби, миграцияси ва туғилиш даражаси каби масалаларга тарихчи олимлар янгича нуқтаи назардан ёндашишга ҳаракат қилганлар<sup>11</sup>. Бироқ, ўрганилаётган тадқиқот мавзуси бўйича махсус тадқиқот иши олиб борилмаган, балки масаланинг айрим жиҳатларига доир фикрлар келтирилган, холос. Жумладан, Ш.Абдуллаев, Д.Бобожонова, Я.Абдуллаева, Х.Юнусова ва С.Давлетовнинг докторлик<sup>12</sup> ва А.Бердимуратова, Г.Ходжаева, С.Давлетов, Ё.Розимова, Б.Исоқов, О.Шихов, Д.Атаева, У.Хўжамуратов, Ф.Атажоноваларнинг номзодлик<sup>13</sup> ва PhD диссертацияларини мисол қилиш мумкин. Улар XX аср охирларида республиканинг ижтимоий-иктисодий ҳаётида юз берган тарихий ўзгаришлар ҳақидаги фикр ва тасаввурларни янада кенгайтириш имконини беради. Уларда Ўзбекистондаги демографик вазият, урбанизация жараёнлари билан боғлиқ масалалар атрофича ёритилган, бироқ мазкур тадқиқотларда Хоразм вилоятидаги ижтимоий-иктисодий ва маданий ривожланиш масалалари яхлит ўрганилмаган. Бироқ, тадқиқотларда келтирилган фактик маълумотлар бу даврдаги ижтимоий-иктисодий аҳволни қиёсий ўрганишда муҳим илмий аҳамиятга эга.

Мустақиллик йилларида Қўйи Амударё минтақаси аҳолисининг ижтимоий-экологик муаммолари бўйича иқтисодчи ва географ олимлардан З.Абдалова, Р.Жўраев, Н.Айимбетов ва М.Ҳамроевлар тадқиқот ишлари

---

<sup>10</sup> Бобожонова Д. Ўзбекистонда ижтимоий-иктисодий муносабатлар.–Тошкент:Шарқ, 1999.–160 б.

<sup>11</sup> Бобожонова Д. Ўзбекистонда миллатлараро муносабатлар ривожининг ижтимоий-иктисодий омиллари. – Тошкент:Фан, 1994.–24 б.; Муртазаева Р. Ўзбекистонда миллатлараро муносабатлар ва бағрикенглик.– Тошкент:Университет, 2007. – 184 б.

<sup>12</sup> Абдуллаев Ш. Этносоциальные и этнополитические процессы в Ферганской долине. (Основные проблемы, тенденции и противоречия. 70-80-е годы XX в.) Дисс. ... докт. ист. наук.–Ташкент, 1994. – 340 с.; Бобожонова Д. Ўзбекистонда миллатлараро муносабатларнинг ижтимоий-иктисодий жиҳатлари (70-80 йилларнинг ўрталари). Тарих фан. док. ...дисс. – Тошкент, 1997. – 294 б.; Юнусова Х. Ўзбекистонда миллатлараро муносабатлар ва маънавий жараёнлар (XX асрнинг 80-йиллари мисолида). Давлетов С. XX аср иккинчи ярми–XXI аср бошида Ўзбекистондаги экологик вазият ва унинг ижтимоий муаммолари. Тарих фан. док.(DSc)... дисс. – Ургенч, 2018. – 307 б.

<sup>13</sup> Бердимуратова А. Проблемы экологического кризиса в Приаралье (социально-политический аспект): Автореф. дисс. ... канд. филос. наук. – М., 1993. – 22 с.; Ходжаева Г. Қорақалпоғистон Республикасида вужудга келган демографик вазиятнинг асосий хусусиятлари. Тарих. фан. номзод. ... дисс. автореф. – Тошкент, 1998. – 21 б.; Давлетов С. XX асрнинг сўнгги чорагида Қўйи Амударё худудида ижтимоий-экологик вазият ва демографик жараёнлар. Тарих фан. номзод. ... дисс. автореф. – Тошкент, 2003. – 24 б.; Розимова Ё. Ўзбекистонда урбанизация жараёнлари (Хоразм вилояти ва Қорақалпоғистон Республикаси мисолида. 1991-2007 йй.). Тарих. фан. номзод. ... дисс. автореф.–Тошкент, 2010.–30 б.; Исоқов Б. Ўзбекистонда 80-йилларнинг 2-ярми–2000 йиллардаги тарихий ўзгаришларнинг демографик жараёнларга таъсири. Тарих. фан. номзод. ... дисс. автореф.–Тошкент, 2010.–27 б.; Аvezов С. Хоразм вилояти қишлоқ хўжалигини худудий ташкил этишда картографик методдан фойдаланиш. Геогр.фан.номзод.... дисс.автореф.–Тошкент, 2010.–34 б. Шихов О. Мустақиллик шароитида Қўйи Амударё худудидаги ижтимоий-иктисодий аҳвол (1991-2001 йй.). Тарих. фан. номзод. ... дисс. автореф. – Тошкент, 2011. – 30 б.; Атаева Д. Хоразм вилояти хотин-қизларининг жамият ижтимоий-иктисодий ва маданий ҳаётидаги ўрни (1991-2018 йиллар). Тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) дисс.автореф.–Нукус–2020. 55 б.; Хўжамуратов У. Ўзбекистонда аграр соҳадаги трансформация жараёнлари (1985-2016 йй.). Тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) дисс. автореф.–Нукус, 2021.–53б; Атажонова Ф. Хоразмда таълим соҳаси ва илм–фаннинг ривожлантирилиши тарихи (1991-2017 йй.). Тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) дисс. автореф.–Нукус, 2020.–52 б.

олиб бордилар<sup>14</sup>. Мазкур тадқиқотларда Қуйи Амударё ҳудуди шаҳарлари аҳолисининг ижтимоий-иқтисодий аҳволи, Хоразм вилоятидаги ижтимоий-экологик вазият, аҳоли саломатлиги масалалари ўрганилган.

Б.Раҳимов ва Э.Тилаевнинг тадқиқотида мустақиллик йилларида жанубий вилоятларнинг ижтимоий-иқтисодий ва маданий соҳаларда эришилган ютуқ ва камчиликларга тўхтаб ўтилган<sup>15</sup>. Ш.Файзиева ва Ф.Ёрматовнинг тадқиқотларида эса,<sup>16</sup> фермер хўжаликлари ривожланиши, аҳоли бандлиги ва ижтимоий ҳимоялаш масалалари таҳлил этилган.

Б.Кошанов ва Ж.Турдумуратовларнинг Ўзбекистоннинг туризм бўйича Евроосиё маконида ҳамкорлик муаммоларига бағишлаб ёзилган мақоласида<sup>17</sup> вилоятда ҳам туризмни ривожлантириш учун ресурслар, жумладан, бой маданий ва тарихий мерос, археологик ва этнографик туризм йўналишлари етарли эканлиги таъкидланади. Мазкур маълумотлар ҳудудларнинг ўзига хос томонларини қиёсий таққослашда муҳим аҳамиятга эга. Умуман, Хоразм вилоятидаги ижтимоий-иқтисодий ва маданий аҳвол мавзуси яхлит тадқиқот сифатида алоҳида ўрганилмаган. Шу боис, мавзунини тадқиқ этиш муҳим ва долзарб ҳисобланади.

Мустақилликнинг дастлабки йилларида Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви Академияси Янги тарих маркази томонидан “Мустақил Ўзбекистон тарихи” номли 3-китоб ва Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Тарих институтида “Мустақил Ўзбекистон тараққиётининг ғоявий асослари” монографияси<sup>18</sup> яратилди.

Тадқиқот мавзусига доир жараёнларни таҳлил этган хорижий муаллифлар асарлари туркуми **иккинчи гуруҳга** киради. Ўзбекистондаги ижтимоий-иқтисодий, маданий ва экологик муаммолар масаласини Ху Сунг Му, С.Сассен, Дж.Стефан, Э.Сиверс, Е.Нади, Б.Рихтер, А.Аман каби олимлар ўз тадқиқотларида маъмурий-буйруқбозлик тизимига асосланган

---

<sup>14</sup> Абдалова З. Социально-экономические условия развития городских поселений Нижнеамударьинского района: Дисс. ... канд. экон. и социал. геог. наук.–Ташкент, 1995. – 156 с; Джураева Р. Трансформация хозяйственных систем в условиях экологического кризиса. Автореф. дисс...канд. экон. наук.–Ташкент, 1999.– 23 с; Айимбетов Н. Мураккаб экологик вазият шароитида иқтисодий ва ижтимоий жараёнларни моделлаштириш (Қорақалпоғистон Республикаси мисолида): Иқт. фан. докт. дисс... автореф.–Тошкент, 2000.–38 б; Ҳамроев М. Хоразм вилояти ижтимоий экологияси ва аҳоли саломатлиги географик хусусияти. Геог.фан.номз.дисс....автореф.–Тошкент, 2009.–24 б.

<sup>15</sup> Раҳимов Б. Ўзбекистоннинг мустақиллик йилларида ижтимоий-иқтисодий ва маданий ҳаёти (Сурхондарё вилояти мисолида 1991-2005 йй): Тарих. фан. ном. дисс. ... – Тошкент, 2008. – 199 б.; Тилаев Э. Мустақиллик йилларида Ўзбекистоннинг ижтимоий-иқтисодий ва маданий ҳаётидаги ўзгаришлар (Жанубий вилоятлар мисолида). Тарих фан. номзод. дисс. ... – Тошкент: ЎЗМУ, 2010. – 156 б.

<sup>16</sup> Файзиева Ш. Чорвачиликка ихтисослашган фермер хўжаликларининг ривожланиши ва уларнинг самарадорлигини ошириш (Қашқадарё вилояти мисолида). Иқт. фан. номзод. дисс. ... – Тошкент : Бозор ислохотлари илмий тадқиқот институти, 2001. – 157 б.; Ёрматов Ф. Ўзбекистонда аҳолини ижтимоий ҳимоялаш тизими: ҳолати, шаклланиш жараёни, ривожланиш истиқболлари (1991-2010 йиллар. Жанубий вилоятлар мисолида). Тарих. фан. номзод. дисс. ... автореф. ... – Тошкент: ЎЗМУ, 2010. – 30 б.

<sup>17</sup> Б.Кошанов, Ж.Турдумуратов. Проблемы сотрудничества Узбекистана на Евразийском пространстве по туризму // Вестник КГУ им.Бердаха.–Нукус, 2012.–№ 3-4.–С.61-66.

<sup>18</sup> Ўзбекистоннинг янги тарихи. Мустақил Ўзбекистон тарихи. 3-китоб /Тузувчилар: Н.Жўраев, Т.Файзуллаев. –Тошкент: Шарқ, 2000. – 560 б.; Мустақил Ўзбекистон тараққиётининг ғоявий асослари. –Тошкент: Шарқ, 2001. – 192 б.

совет тузуми, айниқса, унинг сўнгги даврини ёритганлар<sup>19</sup>. Ижтимоий-иқтисодий, жумладан, демография, миграция, урбанизация жараёнлари таҳлил этилган. Мазкур тадқиқотларда Ўрта Осиё, хусусан, Ўзбекистондаги ижтимоий-иқтисодий жараёнлар махсус таҳлил этилмаган, бироқ уларда умумий иқтисодий масалалар, шаҳарлардаги вазият, уларнинг жаҳон иқтисодиётига таъсири асослаб берилган. Жаҳон муаммосига айланган экологик ҳалокат масаласи, бу муаммонинг турли жиҳатларини кўпгина хорижий олимлар ўз асарларида ёритганлар. Бисуас, Г.Сантени, П.Люкаслар жамият ва табиат ўртасидаги ўзаро муносабатларнинг турли жиҳатларини, жумладан, экологик вазиятнинг ижтимоий оқибатларини илмий асослаб берганлар<sup>20</sup>. Улар ўз асарларида табиий ресурслардан нотўғри фойдаланиш оқибатида атроф-муҳит мувозанати бузилгани ва Орол фожеаси кескинлашуви хусусида фикр юритганлар. Ф.Миклин ўз тадқиқотида<sup>21</sup> Орол муаммосининг келиб чиқиши сабаблари ва ҳудуддаги экологик вазиятни ўрганар экан, бу муаммо нафақат Марказий Осиё, балки бутун дунёга сабоқ бўлиши кераклигини уқтиради. Халқаро ташкилотлар мутахассисларининг тадқиқотлари Хоразм вилоятида мустақиллик йиллари кечган жараёнларни ҳаққоний баҳолашда назарий манба бўлиб хизмат қилди. Жумладан, ЮНЕСКО томонидан чоп этилган ”Ўзбекистон Республикасида тадқиқотлар ва инновацияларни таҳлил қилиш ва режалаштириш”<sup>22</sup> номли тўпلامда Ўзбекистонда ижтимоий-иқтисодий ривожланишга эришиш, муаммоларни ҳал қилиш учун муҳим вазифалар ва 2030 йилгача мўлжалланган улкан мақсадлар илмий-таҳлил этилган. Унда тоза сув: ичимлик сувидан фойдаланиш Ўзбекистон учун энг катта муаммолардан бири бўлиб қолаётгани, аҳолининг атиги 51,2 фоизи хавфсиз бошқариладиган сув манбаларидан фойдаланаётгани ҳамда Орол минтақасини айниқса, Хоразм вилоятини ривожлантириш, молиявий кўмаклашиш, ичимлик суви ва яшаш шароитларини яхшилаш каби масалалар режалаштирилаётгани баён этилган<sup>23</sup>. Мазкур адабиётлар ва тадқиқотларнинг таҳлили шундан далолат берадики, бу даврда Хоразм вилояти ижтимоий-иқтисодий ва маданий ҳаётида содир бўлган ўзгаришларни ёритиб берувчи махсус тадқиқот иши йўқлиги боис, Орол

<sup>19</sup> Kho Song Moo. Koreans in the Soviet Union // Korea a World Affairs. Seoul, 1990. Vol. 14. No 1; Sassen S. The Global City: New York, London, Tokyo. -Princeton: Princeton University Press, 1991. - 214 p; Stephan J. The Russian Far East. A. History. Stanford. 1994; Nadi E. Ethnicity and Islam in Central Asia. // Central Asian survey. – Abingdon, 1993. Vol.№2; Richter B.S. Nature Mastered by Man: Ideology and Water in the Soviet Union// Environment and History. February 1997. – Vol. 3, No1. – P. 69-96; Alikhan Aman. Population migration in Uzbekistan (1989-1998). – Tashkent, 1999.

<sup>20</sup> Biswas, Asit K. Environmental model ing for developing countries. V.25. Tucooly Publishing, New York, 1990.; Santeny. Versune ficcalite de L,environnement // Communitere. № 56. 1991-1992., e.t.c.; Lucas P.H. Landshapes: a guide for policy – mavers and planners. – Chapman and Hall, London, Angland. 1992.

<sup>21</sup> Micklin Ph. The past, present, and future Aral Sea// Lakes & Reservoirs: Research and Management. –2010. – Vol. 15, No 3, September –P. 193-213; Ўша муаллиф. The future Aral Sea: hope and despair// Environmental Earth Sciences. –2016. – No75, May. –P. 1-15.

<sup>22</sup> Ўзбекистон Республикасида тадқиқотлар ва инновацияларни таҳлил қилиш ва режалаштириш. Сирин Элси. GOSPIN Илм-фан, технология ва инновацион сиёсат бўйича мамлакат профиллари. 10-Жилд. Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Таълим, Фан ва Маданият масалалари бўйича Ташкилоти, Париж, Франция, ЮНЕСКО, 2020. – 87 б.

<sup>23</sup> Ўша ерда – Б.24.

денгизи фожеаси билан боғлиқ экологик муаммолар марказида жойлашган мазкур вилоят ҳаётидаги ютуқ ва муаммоларни илмий таҳлил қилиб, ундан хулоса чиқариш тарих фани олдида турган долзарб вазифадир.

**Диссертация ишининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация Урганч давлат университети илмий тадқиқот ишлари режаларига мувофиқ Хоразм Маъмун академияси тасарруфида ЁФ1-ҒА-Г003 шифрли “Мустақиллик йилларида Хоразм бадиий санъатининг ривожини” (2016-2017 йй.) мавзусидаги фундаментал лойиҳаси доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** 1991-2021 йилларда Хоразм вилояти ижтимоий-иқтисодий ва маданий ҳаётидаги ўзгаришларни очиқ беришдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари** сифатида қуйидагилар белгиланган: мустақиллик йилларида Хоразм вилояти ижтимоий-иқтисодий ҳаётидаги ўзгаришларни, қишлоқ хўжалигидаги янгиланишлар, хусусан, тадбиркорлик, фермерлик ва мулкдорлар синфи шаклланишидаги муаммолар ҳамда саноатни ривожлантириш борасидаги ишларни таҳлил этиш;

аҳолини ижтимоий ҳимоялаш ва соғлиғини муҳофаза қилиш борасидаги ўзгаришлар моҳиятини кўрсатиш, ижтимоий йўналиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш масалаларини, соғлиқни сақлаш ва ижтимоий-экологик вазиятни соғломлаштириш тизимидаги муаммоларни ўрганиш;

бой тарих ва маданиятга эга бўлган Хоразм вилоятида миллий-маънавий қадриятларни, қадимий анъаналарни тиклаш, жаҳон цивилизацияси тарихида ўчмас из қолдирган аجدодларни янгидан кашф этиб, дунёга танитиш, ёдгорлик ва зиёратгоҳларнинг тадрижий ҳолатини тасниф этиш, ўзига хос маданияти, санъати ва халқ ижодкорлигини тиклаш ишларини таҳлил этиш;

фан ва таълим соҳасидаги ислохотларнинг бориши, маърифий муассасалар фаолиятидаги муаммо ва қийинчиликларни ўрганиш, мактабгача таълим ва мактаблар моддий-техник базасини яхшилаш, интеллектуал салоҳиятли ёшларни тарбиялаш борасидаги ютуқ ва камчиликларни кўрсатиш, мавжуд муаммоларни бартараф этиш юзасидан тавсиялар бериш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида Хоразм вилоятида 1991-2021 йилларда кечган ижтимоий-иқтисодий ва маданий ҳаётидаги ўзгаришлар жараёнлари таҳлили масаласи танлаб олинди.

**Тадқиқот предметини** 1991-2021 йилларда Хоразм вилоятида амалга оширилган туб ўзгаришлар, ижтимоий-иқтисодий, маданий, соғлиқни сақлаш, тадбиркорлик, қишлоқ ҳаёти масалаларини тавсифлаш ташкил этади.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Диссертацияда тарихийлик, холислик тамойили, фанлараро ёндашув, қиёсий таҳлил, статистик таҳлил каби усуллардан фойдаланилди.

### **Диссертациянинг илмий янгилиги:**

мустақилликнинг дастлабки йилларида Хоразм вилояти саноатида ишловчиларнинг аксарияти банд бўлган енгил саноат корхоналарининг мавжуд қувватлардан чала фойдаланганлиги, эскича тартибда бозор талабини ўрганмай маҳсулот ишлаб чиқарилганлиги, товарларнинг ассортиментининг камлиги, шартнома режаларини бажармаслик ҳолларининг учраши ишсизлар сонининг ортиб боришига сабаб бўлганлиги очиб берилган;

1990 йилларда Қуйи Амударё ҳудудида дарёнинг саёзланиши оқибатида қишлоқ хўжалик экинларини суғориш учун дарё сувлари етишмай, суғориш тармоқларининг эса ишдан чиқиш ҳолатлари кучайиб борган бир пайтда жамоа хўжаликлари учун олинган сувнинг 40-50 фоизи ерларга ички фойдасиз ер ости сувларига қўшилиши ер ости сувларининг кўтарилишига сабаб бўлиб, қишлоқ хўжалиги экинларини етиштириш жараёнига салбий таъсир кўрсатганлиги асосланган;

Хоразм вилояти аҳолисида овқатланиш аъзолари касаллиги, айрим аъзоларида тош ва туз йиғилиши, суяк-мушак, урологик касалликлар ҳамда турли экологик омиллар сабаб касалликлар ва ўлим даражаси кучайиши соғлиқни сақлаш ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш бўйича Германия, Қувайт, ЮНЕСКО, Жаҳон банки, Араб иқтисодий тараққиёт фонди каби хорижий ҳамкорлар билан лойиҳаларнинг ишлаб чиқилишига туртки бўлганлиги далилланган;

мустақиллик йилларида вилоятдаги “Ичан қалъа”нинг ЮНЕСКО маданий мерос ёдгорликлари рўйхатига киритилиши, Нуруллабой ва Улли ҳовли мажмуаси тўлиқ таъмирланиши жараёнида маънавий кадриятларни тиклаш ва тарғиб қилиш ишларига алоҳида эътибор қаратилиши Хоразм фольклори, мақомлари, суворалари, ҳалфачилик, “Лазги” рақсига кенг жамоатчилик эътиборининг ортиб бориши, пировардида уларнинг дунёда эътироф этилишида муҳим ўрин тутганлиги очиб берилган.

### **Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:**

Хоразм вилоятининг ижтимоий-иқтисодий ва маданий ҳаётидаги ўзгаришлар, ижтимоий-экологик вазиятни соғломлаштириш, миллий кадриятларни тиклаш ва маънавий-маърифий ривожлантириш, ҳудудий муаммоларни бартараф этиш ва унинг истикболига оид илмий хулосалардан Ўзбекистоннинг мустақиллик даври тарихини яратишда қўлланилиши мумкин бўлган жиҳатлари аниқланган;

Ўзбекистоннинг мустақиллик даври тарихини тадқиқ этиш, ижтимоий-иқтисодий ва маданий соҳаларни ривожлантириш ва уни янада такомиллаштириш муаммосини ўрганишга қаратилган ҳамда ўқув жараёнида қўлланилиши мумкин бўлган назарий хулоса ва таклифлар ишлаб чиқилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** тадқиқот ишида тарихшунослик фанида эътироф этилган ёндашув ва усуллар қўлланилганлиги, бирламчи манбалар ва даврий матбуот материалларига асосланганлиги, турли тарихий адабиётлар, бошқа ижтимоий-гуманитар фанлар вакилларининг тадқиқотларидан фойдаланилганлиги, диссертацияда

келтирилган хулоса, таклиф ва тавсияларнинг амалиётга жорий этилганлиги ҳамда тадқиқот натижасида олинган натижаларнинг ваколатли идоралар томонидан тасдиқлангани билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг *илмий аҳамияти* шундаки, Хоразм вилоятидаги ижтимоий-иқтисодий ва маданий ривожланиш жараёнлари ва уни янада юксалтиришга хизмат қилувчи омилларни батафсил очиш асосида намоён бўлади.

Тадқиқот натижалари вилоятлардаги музейларда, таълим муассасалари фаолиятида, Хоразм вилоятини комплекс ривожлантириш, аҳоли турмуш тарзини янада яхшилашга қаратилган мақсадли дастурларни ишлаб чиқишда, шунингдек, мустақиллик даври ижтимоий-иқтисодий тарихига оид янги дарслик ва ўқув қўлланмалари яратишда *амалий аҳамият* касб этади.

**Натижаларнинг жорий қилиниши.** Мустақиллик йилларида Хоразм вилояти ижтимоий-иқтисодий ва маданий ҳаётидаги ўзгаришлар (1991-2021 йй.) ни ўрганиш асосида:

мустақиллик йилларида Хоразм вилоятида олиб борилган ислохотлар жараёни, ижтимоий-иқтисодий ҳаётидаги янгиланишлар, нисбатан қисқа фурсатда миллий кадриятларни тиклаш ва маънавий-маърифий ривожлантириш борасида амалга оширилган ижобий натижалардан Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси “O’zbekiston tarixi” телеканали “Тақдимот” кўрсатуви сценарийсини ёзишда тадқиқот материалларидан фойдаланилган (Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси “O’zbekiston” телерадиоканали” ДМ қошидаги “O’zbekiston tarixi” телеканалининг 2022 йил 9 августдаги 455-14-568-сон маълумотномаси). Натижалар телетомошабинларга таъсирчан етказилиб, Ўзбекистон тарихининг энг янги даврига оид билим ва кўникмаларини оширишга хизмат қилган;

мустақилликнинг дастлабки йилларида Хоразм вилояти саноатида ишловчиларнинг аксарияти банд бўлган енгил саноат корхоналарининг мавжуд қувватлардан чала фойдаланганлиги, эскича тартибда бозор талабини ўрганмай маҳсулот ишлаб чиқарилганлиги, товарларнинг ассортиментининг камлиги, шартнома режаларини бажармаслик ҳолларининг учраши ишсизлар сонининг ортиб боришига сабаб бўлганлиги, 1990 йилларда Қуйи Амударё худудида дарёнинг саёзланиши оқибатида қишлоқ хўжалик экинларини суғориш учун дарё сувлари етишмай, суғориш тармоқларининг эса ишдан чиқиш ҳолатлари кучайиб борган бир пайтда жамоа хўжаликлари учун олинган сувнинг 40-50 фоизи ерларга ички фойдасиз ер ости сувларига қўшилиши ер ости сувларининг кўтарилишига сабаб бўлиб, қишлоқ хўжалиги экинларини етиштириш жараёнига салбий таъсир кўрсатганлигига оид илмий натижалардан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Қатағон қурбонлари хотираси давлат музейини, шунингдек, Урганч давлат университети тузулмасидаги Қатағон қурбонлари хотираси музейининг “Ўзбекистон Республикаси мустақиллик йилларида (1991-2021 йиллар)” бўлимини экспонатлар билан бойитишда фойдаланилган (Қатағон қурбонлари хотираси давлат музейининг 2022 йил 5 сентябрдаги 143-сон

маълумотномаси). Натижада, архив ҳужжатларидан иборат янги маълумотларнинг музей экспозицияларида намойиш этилиши ташриф буюрувчилар тасаввурларини бойитишга хизмат қилган;

Хоразм вилояти аҳолисида овқатланиш аъзолари касаллиги, айрим аъзоларида тош ва туз йиғилиши, суяк-мушак, урологик касалликлар ҳамда турли экологик омиллар сабаб касалликлар ва ўлим даражаси кучайиши соғлиқни сақлаш ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш бўйича Германия, Қувайт, ЮНЕСКО, Жаҳон банки, Араб иқтисодий тараққиёт фонди каби хорижий ҳамкорлар билан лойиҳаларнинг ишлаб чиқилишига туртки бўлганлигига оид натижалар Республика Маънавият ва маърифат марказининг 2021-2022 йилларда ўтказилган ташвиқот-тарғибот фаолиятига татбиқ этилган (Республика Маънавият ва маърифат марказининг 2022 йил 5 июлдаги 02/02-1156-сон маълумотномаси). Натижалар марказ томонидан лойиҳалаштирилган “Маънавият фестивали” доирасидаги “Маърифат соати” лойиҳасини тайёрлаш, “Янги Ўзбекистон-Учинчи Ренессанс” ғоясини рўёбга чиқариш борасидаги тадбирларни амалга оширишга хизмат қилган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Тадқиқот натижалари 8 та илмий-амалий анжуманда, жумладан 3 та халқаро ва 5 та республика миқёсидаги конференцияларда муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация юзасидан жами 22 та илмий иш эълон қилинган, шулардан, Ўзбекистон Республикаси ҳузуридаги Олий Аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий натижаларини чоп этиш тавсия этилган нашрларида 10 та, жумладан, 7 та республика ва 3 та хорижий журналларда чоп этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Тадқиқот кириш, учта боб, хулоса, фойдаланилган манба ва адабиётлар рўйхати ҳамда иловадан иборат. Диссертациянинг тадқиқот қисми 132 бетни ташкил этади.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида танланган мавзунинг долзарблиги асосланиб, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари, объекти ва предмети белгилаб олинган; тадқиқотнинг фан ва технологиялар тараққиётининг устувор йўналишларга мослиги кўрсатилиб, илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган; олинган натижалар ишончли асосланган ҳолда уларнинг назарий ва амалий аҳамияти очиқ берилган; тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий этилиши, апробацияси бўйича маълумотлар келтирилган.

Тадқиқотнинг I боби **“Мустақиллик йилларида Хоразм вилоятида иқтисодий ривожланиш одимлари”** деб номланиб, унда Хоразм вилоятининг иқтисодий ҳаётидаги ўзгаришлар, вилоят қишлоқ хўжалигининг барқарор ривожланишида фермер хўжаликларининг ўрни ва роли, саноат соҳасида амалга оширилган тадбирлар ўрганилган. Ушбу бобнинг *“Хоразм вилоятидаги иқтисодий ҳолат ва ундаги ўзгаришлар”* деб номланган биринчи параграфда вилоят ижтимоий-иқтисодий ҳаётидаги

ислохотлар жараёни, демографик вазият ва ишсизликнинг кўпайиб бориши, экологик танглик, иккинчи томондан эса, тараққиётнинг янги босқичида мавжуд муаммоларни ҳал этиш масалалари илмий таҳлил этилган.

Изчил ривожланиш даврида Хоразм вилоятида ҳам кенг кўламли ишлар қилинди, жумладан, хорижий сармоя иштирокида Урганч туманида “Хоразм Нуртоп”, Ҳазораспда “Унихо”, “Гурлантекс” ва бошқа бир қанча корхоналар бунёд этилди<sup>24</sup>. Кўплаб янги қурилишлар, автомобилсозлик заводи ишга туширилди, инвестициялар жалб қилинди, минглаб янги иш ўринлари яратилди. 1994-1996 йилларда Ўзбекистонга жалб қилинган хорижий инвестиция миқдори 300895,0 минг АҚШ доллариға тенг бўлган, Хоразм вилоятига ўша миқдорнинг 2129,4 минг АҚШ доллари жалб қилинган<sup>25</sup>.

Хоразм вилояти иқтисодиёти, унинг хўжалик юритувчи субъектлари бошқа вилоятлардаги каби оғир вазиятни бошдан кечирди. Иқтисодиётда улкан ўзгаришлар рўй бера бошлади. 1991 йилда вилоятда 1,5-2 минг корхона ва ташкилот, 2 та банк мавжуд бўлган бўлса<sup>26</sup>, 2011 йилга келиб, вилоят иқтисодиёти секторида 25 та йирик саноат корхонаси, 11634 та фирма ва кичик корхоналар фаолият юритар эди<sup>27</sup>. 2002 йилда вилоят ялпи ички маҳсулоти 2,9 фоизга, халқ истеъмол моллари 2 фоизга кўпайди. Вилоят иқтисодиётига қарийб 41 млн. АҚШ долларилек хорижий инвестициялар жалб этилиб, улар иштирокидаги корхоналарда маҳсулот ишлаб чиқариш ва хизматлар кўрсатиш икки мартадан ортиқ ўсди<sup>28</sup>. Вилоятда 2011-2016 йилларда ялпи ҳудудий маҳсулот ҳажми 1,6 баробар ошган, унда саноатнинг улуши 25,5 фоизга етган, жумладан, шу даврда саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш 2,5 баробар, истеъмол товарлари 3,3 баробар, қурилиш ишлари 1,8 баробар ўсган<sup>29</sup>. 2019 йилда вилоят тадбиркорлик субъектлари сони 2018 йилга нисбатан қарийб 2 баробар ошиб, 36901 тага етган бўлса, шундан 8210 та, яъни 22,8 фоиз тадбиркорлик субъекти турли сабаблар билан фаолияти тўхтаб қолган. Жумладан, Урганч шаҳрида 744 та, Хива туманида 362 та, Хива шаҳрида 346 та, Янгиариқ туманида 222 тасининг фаолиятитўхтаган<sup>30</sup>.

2021 йил 22 сентябрда Президент Ш.Мирзиёев Хива шаҳрига ташрифи чоғида Хива гилам фабрикаси фаолияти билан танишди. Қисқа муддатда комбинатда 250 та иш ўрни яратилди, шунингдек, Урганч шаҳри, Боғот, Гурлан, Ҳазорасп, Хонқа ва Янгиариқ туманларида пахта толасини қайта ишлаш даражаси 2016 йилдаги 46,6 фоиздан 2021 йилда 64 фоизга

<sup>24</sup> Хоразм вилояти ҳокимияти архиви. 1150-фонд, 7-иш, 39-йиғма жилд.– 10-11-варақлар.

<sup>25</sup> ЎзМА, М.20-фонд, 1-рўйхат, 10-йиғма жилд.–84-варақ.

<sup>26</sup> Хоразм вилояти ҳокимияти архиви. 1150-фонд, 7-иш, 14-йиғма жилд. – 8-варақ.

<sup>27</sup> Бобожонов Б., Мадраҳимов Қ. Асрга тенг йиллар. Хоразм вилояти мустақиллик йилларида. 2-китоб. – Тошкент: Yangi nashr, 2011. – Б.48.

<sup>28</sup> Хоразм вилоят ҳокимияти архиви. 1150-фонд, 7-иш, 63-йиғма жилд.–17-18-варақлар.

<sup>29</sup> Шавкат Мирзиёев. Буюк келажагимизни мард ва олижаноб халкимиз билан бирга кураимиз. – Тошкент: Ўзбекистон, 2017. – Б.250.

<sup>30</sup> Хоразм вилояти ҳокимияти архиви. 1150-фонд, 34-иш, 94-йиғма жилд. – 33-варақ.

етказилди<sup>31</sup>. Умуман, 1991-2021 йилларда вилоят иқтисодиётида техника янгиликларини жорий этиш натижасида кенг кўламли ишлар олиб борилди.

“Вилоят қишлоқ хўжалигининг барқарор ўсиши ва ривожланишида фермер хўжаликларининг туганган ўрни ва роли” деб номланган иккинчи параграфда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини кўпайтириш шахсий ёрдамчи хўжаликлар зиммасига юклатилиши натижасида, хўжаликлар сони 2 ҳиссага кўпайиб, 3 млн.га етгани<sup>32</sup> таъкидланган. Барча соҳалардаги каби Хоразм вилояти қишлоқ хўжалигида ҳам камчиликлар мавжуд эди, 1991 йилнинг ўзидаёқ 248 та фермер хўжалиги ташкил этилиб, уларга 648 гектар ер, 2679 бош йирик шохли қорамол, 1294 та сигир берилганига қарамасдан<sup>33</sup>, айрим қишлоқларда муаммолар ўз ечимини кутар эди. Ушбу масала вилоят ҳокими 1992 йил 17 мартда “Зарар кўриб ишлаётган ва паст рентабелли давлат хўжаликлари ҳамда бошқа давлат деҳқончилик корхоналарининг мулкчилик шакллари жамоа хўжаликлари ва ижара шаклига айлантириш тўғрисида” қабул қилган 48-сон қарори<sup>34</sup> билан танқидий муҳокама қилинди. 1993 йил 27 июлда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасида бўлиб ўтган йиғилишда деҳқон (фермер) хўжаликларини ташкил этиш ишлари талабга жавоб бермаётгани қаттиқ танқид қилинди. Жумладан, Гурлан туманида 27 та фермер хўжалиги мавжуд эканлиги, ушбу хайрли ишга 3 йил тўлганига қарамасдан, бу борада ижобий сиёсат бўлмаганлиги қайд этилди. Ўтган давр ичида фермер хўжаликлари сони гоҳ кўпайиб, гоҳ пасайиб турган. Айримлари буткул тугатилган. Афсуски, бу каби ҳолат фақат Гурланда эмас, балки бошқа туманларда ҳам мавжуд эди<sup>35</sup>.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1993 йил 15 мартдаги 137-сон қарорига биноан Хоразм вилоятида 71 та хўжаликда 87 та чорвачилик ҳиссадорлик жамиятлари ташкил қилинди. Шунингдек, Вазирлар Маҳкамасининг 1995 йил 24 мартдаги 96-сон қарори билан 26 та чорвачилик жамоа хўжалигининг қорамолчилик фермалари савдо орқали сотилди<sup>36</sup>.

Ислохотлар барча вилоятлар қатори Хоразм вилоятида ҳам жадал олиб борилди. Аҳолининг 75,4 фоизи қишлоқ хўжалигида банд эди, хўжаликлар умумий сони 892 мингта, ажратилган ерлар 3,8 минг гектар, суғориладиган ер майдони 4,9 минг гектарни ташкил этган<sup>37</sup>. 1996 йил 16 мартда ҳукумат қарори билан вилоятда 40 дан зиёд давлат хўжалиги мулкчилигининг нодавлат шаклига, 110 та чорвачилик фермаси ҳиссадорлик жамиятига ўтган. Янги ширкат ва фермер хўжаликлари пайдо бўлиб, 878 та фермер хўжалиги фаолият кўрсатди<sup>38</sup>. Истиқболсиз 13 хўжалик тугатилиб, улар ўрнида 834 та фермер хўжалиги тузилди. Санацияга тушган 10 та хўжалик

<sup>31</sup> Шавкат Мирзиёев Хива гилам комбинати фаолияти билан танишди//<https://xs.uz> 22 Сентябрь, 2021.

<sup>32</sup> Усмонов С., Додобоев Ю. Фермер ва деҳқон хўжаликлари. Дарслик, 2-нашр. – Тошкент, 2002. – Б.10.

<sup>33</sup> Хоразм вилоят ҳокимияти архиви. 1150-фонд, 7-рўйхат, 14-йиғма жилд. – 51-варақ.

<sup>34</sup> Хоразм вилоят ҳокимияти жорий архиви. Вилоят ҳокимининг 1992 йил қарорлари. – 5-варақ.

<sup>35</sup> Ишлар қалай, фермерлар? //“Хоразм ҳақиқати”, 1993 йил 21 сентябрь.

<sup>36</sup> Хоразм вилояти давлат архиви. 818-фонд, 1-рўйхат, 47-йиғма жилд. 5-варақ.

<sup>37</sup> Усмонов С., Додобоев Ю. Фермер ва деҳқон хўжаликлари. Дарслик.–Тошкент, 2002.–Б.14.

<sup>38</sup> Хоразм вилояти давлат архиви. 818-фонд, 1-рўйхат, 47-йиғма жилд. – 5-варақ.

эса икки йилда қаддини тиклади, Хива туманидаги Беруний, Хонқа туманидаги Охунбобоев, Гурлан туманидаги “Қорақалпоғистон” номли хўжаликлар шу жумладан<sup>39</sup>.

1999-2001 йилларда вилоятни ривожлантириш дастурини амалга ошириш учун 42,2 млрд. сўм ва 247,9 млн. АҚШ доллари ажратилган. Шундан, 9,1 млрд.сўми 1999 йилда, 16,5 млрд сўми 2000 йилда, 16,1 млрд. сўми 2001 йилда ва 306 млн. сўми 2002-2003 йилларда сарфланиши кўзда тутилган эди<sup>40</sup>. 2001 йилга келиб, республикадаги жами 3428 та фермер хўжалигининг 258 таси Хоразм вилоятида ташкил этилди<sup>41</sup>.

Вилоят ерлари шўрхоқ, 80 фоиз шўрланган ерларни ювиш ишларига кетган маблағдан ташқари сарфланган меҳнат 30-35 фоизни ташкил этган. 2001 йилда шамол эрозияси ва ёгингарчилик натижасида вилоятдаги 10,5 минг га пахта майдони зарар кўрди<sup>42</sup>. Вилоятда экин майдонининг ярмидан кўпи шўрланган, яъни кучли шўрланган майдон 44 минг га, ўртача – 99 минг, кучсиз шўрланган майдон 131 минг га, яъни 48 фоизни ташкил этган<sup>43</sup>. Ер майдонидан мақсадли фойдаланиш юзасидан 2002 йил бошида 338 та фермер хўжалиги фаолияти текширилиб, 3 та хўжалик ер майдони қайтариб олинди, 5 та хўжалик ер ижара шартномаси бекор қилинди, 5 та фермер ер майдони олиб қўйилди, 44 тасига ноқонуний иш юритгани сабаб жарима солинди<sup>44</sup>.

1991-2011 йилларда вилоятда 115 та сув истеъмолчилари, 109 та ёқилғи-мойлаш материаллари, 92 минерал ўғит тарқатиш, 111 муқобил машина трактор парклари ташкил этилган<sup>45</sup>. 2016 йилда 560 млн.долларлик, 1,6 млн тонна қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари экспорт қилинган бўлса, 2019 йилда 1,3 млрд. долларлик 1,4 млн.тонна қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари экспорт қилинди<sup>46</sup>. 2020 йилда янги яратилган 7 та ғўза нави вилоятларда синалиб, истиқболли, деб топилди ва улар Хоразм вилоятида ҳам қўлланилди<sup>47</sup>. Вилоят иқтисодиётида фаол фермерлар сони 2020 йилда 5000 дан ошди, улар пахтанинг 98 фоизи ва доннинг 65 фоизини етказиб берар эди<sup>48</sup>.

Диссертациянинг “Хоразм вилоятида саноат соҳасида амалга оширилган тадбирлар” номли учинчи параграфда саноатда таркибий ўзгаришлар рўй бергани, янги корхоналар ишга туширилгани қайд қилинган. 1991 йилда саноат ишлаб чиқариши 1989 йилга нисбатан 2,8

<sup>39</sup> Асрга татигулик муаззам йиллар//Хоразм ҳақиқати, 2001йил 1сентябрь.

<sup>40</sup> Хоразм вилоят ҳокимияти архиви. 1150-фонд, 7-иш, 63-йиғма жилд, 17-18-варақлар.

<sup>41</sup> Қишлоқ хўжалик корхоналарини фермер хўжаликларига айлантириш тажрибалари.–Тошкент, 2002.–Б.7.

<sup>42</sup> Хоразм ҳақиқати, 2001 йил 10 ноябрь.

<sup>43</sup> Қурбонийёзов Р. Хоразм географияси. – Урганч:Хоразм, 1996. – Б.80.

<sup>44</sup> ЎзР ҚХВ идоравий архиви, 2002 йил хужжатлари йиғма жилди.

<sup>45</sup> Бобожонов Б., Қахрамонов М. Асрга тенг йиллар. Хоразм вилояти мустақиллик йилларида. 2-китоб. – Тошкент:Yangi nashr, 2011.– Б.150.

<sup>46</sup> ЎзР ҚХВ идоравий архиви. 2017-2020 йилларда амалга оширилган вазифалар бўйича маълумот, 2021 йил хужжатлари йиғма жилди.

<sup>47</sup> Хоразм вилояти Статистика бошқармаси жорий архиви. 2020-2021йиллар тўплами. –Урганч, 2022. – Б.3.

<sup>48</sup> Укрепление инклюзивной системы науки, технологий и инновации в Узбекистане. Анализ научно-технического и инновационного потенциала регионов Республики Узбекистан в рамках проекта ЮНЕСКО/ИБР. – Тошкент, 2020. – 93.

фоизга ўсган, маҳаллий саноатда ўсиш 22,9 фоизни ташкил этган. Енгил саноатда “Н” янгилик индекси билан маҳсулотлар ишлаб чиқариш режаси 2,4 бараварга ортган<sup>49</sup>. 1992 йилга келиб, саноат, қурилиш соҳасидаги силжишлар корхоналарда ишлаб чиқариш ҳажмини 57 млн. сўмга орттирди<sup>50</sup>. Урганч шаҳридаги 30 та саноат корхонасида 29 турдаги маҳсулот тайёрланган<sup>51</sup>. Вилоятда саноат маҳсулоти ҳажми 1993 йилда 1992 йилга нисбатан 1,0 фоиз пасайиб, Қўшқўпир ва Гурлан туманлари 18 та корхонасида саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми кескин камайди. Жумладан, Туямўйин қурилиш материаллари заводи 52,3 фоизга, Хива ғишт заводи 39,4 фоизга, Шовот ғишт заводи 18,7 фоизга, Хива сут заводида 6,2 фоизга камайган<sup>52</sup>.

1991-1995 йилларда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш тўғрисидаги ҳукумат қарори ва вилоят ҳокимининг 1992-1993 йилларда иқтисодий барқарорлик бўйича<sup>53</sup> белгилаган вазифалари асосида енгил саноат ривожига асосий эътибор берилди. Озиқ-овқат маҳсулотлари билан бирга, автомобиль ва тракторлар аккумулятор ва пайвандлаш электродлари ишлаб чиқарила бошлади. 1991-1999 йилларда кучли электр тармоқлари, умумий қуввати 200,2 кв бўлган подстанциялар ишга туширилди<sup>54</sup>. “Хоразм шакар” давлат корхонаси Туркиянинг “Турк шакар”, “Юксал иншоот” қўшма корхонаси ўртасида 1993 йил 25 майда тузилган шартнома<sup>55</sup> га асосан, Ҳазорасп туманида 1998 йил 26 сентябрда ишга туширилган<sup>56</sup>.

2002 йилда саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш 4,9 фоизга кўпайди. 7 та қўшма корхона тузилди<sup>57</sup>. Шу йили вилоятда рўйхатдаги 34 та қўшма корхонадан 28 таси фаолият олиб борган. Хива туманида 61 корхона хиссадорлик жамиятига айланди ва 629 та корхона хусусийлаштирилди. Кичик бизнесга киритилган 25 та қўшма корхонадан 19 таси фаолият кўрсатган. Лекин “Даритал”, “Семурғ-Сан-Те”, “Мева” қўшма корхоналарида бизнес-режада кўзда тутилган кўрсаткичга эришилмади<sup>58</sup>. 2004 йилга келиб, “Урганч экскаватор” корхонаси Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг 60 фоизини таъминлар эди. Корхонада 300 тага яқин “КХУ–4Н” русумли культиватор ишлаб чиқарилди<sup>59</sup>.

2006 йилда республикада мева-сабзавот ширкатлари сони 210 та бўлиб, унга Урганч туманидан Ал Хоразмий номли ширкати киритилган. Уларни модернизациялаш, қурилган меваларни қадоқлаш лойиҳаси “С-Агрисол” компанияси томонидан 150 минг АҚШ долларига молиялаштирилди<sup>60</sup>.

<sup>49</sup> Хоразм вилояти ҳокимияти архиви. 1150-фонд, 7-иш, 6-йиғма жилд. –5-варақ.

<sup>50</sup> Хоразм вилояти ҳокимияти архиви. 1150-фонд, 7-иш, 14-йиғма жилд. 23-варақ.

<sup>51</sup> Хоразм вилояти ҳокимияти архиви. 1150-фонд, 7-иш, 14-йиғма жилд. –19-варақ.

<sup>52</sup> Хоразм вилояти ҳокимияти архиви. 1150-фонд, 7-иш, 18-йиғма жилд. –55-варақ.

<sup>53</sup> Хоразм ҳақиқати, 1992 йил 7 июль.

<sup>54</sup> Хоразм вилояти ҳокимияти архиви. 1150-фонд, 7-иш, 20-йиғма жилд. –60-61-варақлар.

<sup>55</sup> Хоразм ҳақиқати, 1993 йил 26 май.

<sup>56</sup> Бобожонов Б. Асрга тенг йиллар. Хоразм вилояти мустақиллик йилларида.–Тошкент:Истиқлол, 2001.–Б.59.

<sup>57</sup> Хоразм вилояти ҳокимияти архиви. 1150-фонд, 7-иш, 63-йиғма жилд. –17-18-варақлар.

<sup>58</sup> Хоразм вилояти ҳокимияти архиви. 1150-фонд, 7-иш, 55-йиғма жилд. – 22-варақ.

<sup>59</sup> Ҳақимов И. Хориждаги ҳамкасблар билан ҳамкорлик // Хоразм ҳақиқати, 2004, 4 февраль.

<sup>60</sup> Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2006, 2-сон, 8-модда.

Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 24 апрелда “Хоразм вилоятида қўшимча кичик саноат зоналарини ташкил этиш тўғрисида”ги 308-сон қарорига кўра, саноатда катта ўзгаришлар рўй берди<sup>61</sup>. 2021 йилда 85 дан ортиқ янги корхоналар 40 дан ортиқ давлатга экспорт фаолиятини амалга оширдилар<sup>62</sup>. Улар билан бирга қўшма корхоналар ташкил этиш ва саноат тармоғини кенгайтириш ишлари қийинчилик билан кечган бўлса-да, анча ривожланди.

Диссертациянинг II боби “Хоразм вилояти аҳолисининг ижтимоий ҳаёти” деб номланиб, у уч параграфдан иборат. Унда вилоят аҳолисининг ижтимоий ҳаётидаги ўзгаришлар, аҳоли бандлигини таъминлаш, соғлиқни сақлаш ва ижтимоий-экологик вазият масалалари ёритилган. “Вилоят аҳолисининг ижтимоий ҳаётидаги ўзгаришлар” номли биринчи параграфда соҳага тегишли бўлган соғлиқни сақлаш, халқ таълими, аҳолини тоза ичимлик суви, газ билан таъминлаш орқали улар учун қулай микрошароит яратиш билан боғлиқ масалалар<sup>63</sup> таҳлил этилган.

1995 йили мамлакатда ижтимоий соҳага 1170,4 млн. сўм ажратилган бўлса, шунинг 62,2 млн.сўми Хоразм вилоятига тегишли эди<sup>64</sup>. 1996 йилда вилоят банкларида аҳоли жамғармаси 292,8 млн.сўмга тенг бўлган<sup>65</sup>. Кам таъминланган оилаларга 175418,7 минг сўмлик моддий ёрдам кўрсатилган<sup>66</sup>.

1999 йили вилоятда аҳолини табиий газ билан таъминлаш 90,6 фоизга, 2001 йилга келиб, 92 фоизга, сув таъминоти 90 фоизга тенг бўлди<sup>67</sup>.

2000 йилда 9221 фуқарога давлат пенсияси, 2415 фуқарога ижтимоий нафақа тайинланган. 2001 йил бошида вилоятда жами пенсия ва ижтимоий нафақа олувчилар сони 164650 нафарни ташкил қилган. 2001 йилда вилоятда қариялардан 81 нафарига ногиронлар аравачасининг 47 таси бюджетдан, 34 таси ҳомийлар маблағи ҳисобидан берилган. 2005 йилда вилоятда эҳтиёжманд 100 мингта оилага давлат бюджетидан 13 млрд.сўм ёрдам пули берилди. Эшитиш мосламаси 37 нафар, қўлтиқ таёқ 221, қўл ҳассаси 318 нафар муҳтож қарияларга тарқатилган<sup>68</sup>. 2007 йилда вилоятда ижтимоий соҳага 138,2 млрд.сўм ажратилган<sup>69</sup>.

2014 йилда вилоят аҳолиси 93,6 фоиз табиий газ билан таъминланган, шундан 91,6 фоиз қишлоқ жойларида, тоза ичимлик суви билан таъминланиши 62,1 фоиз, жумладан, 51,2 фоиз қишлоқ жойларида ташкил қилган<sup>70</sup>. 2015 йилда меҳрибонлик уйи битирувчиларидан 50 нафари турар

---

<sup>61</sup> Укрепление инклюзивной системы науки, технологий и инновации в Узбекистане. Анализ научно-технического и инновационного потенциала регионов Республики Узбекистан в рамках проекта ЮНЕСКО/ИБР. – Тошкент, 2020. – 93.

<sup>62</sup> <https://xorazm.uz/uz/faoliyat/media/rasmiy-maruzalar>

<sup>63</sup> БМТ саммитининг Минг йиллик ривожланиш мақсадларига бағишланган ялпи мажлисидаги нутқни ўрганиш бўйича ўқув-услубий мажмуа. – Тошкент: Иқтисодиёт, 2010 – Б.118-119.

<sup>64</sup> ЎзМА, М.15 Фонд, 1- рўйхат, 534-йиғма жилд. – 57-варақ.

<sup>65</sup> Статический ежегодник Республика Узбекистан. 2004 г. – Ташкент: Госкомстат РУз., 2005. – С.85.

<sup>66</sup> ЎзМА, М.15-фонд, 1-рўйхат, 851-йиғма жилд. – 76-варақ.

<sup>67</sup> Хорезм: инвестиционные возможности. – Ташкент, .2002. – С.22.

<sup>68</sup> Хоразм вилояти ҳокимияти архиви. 1150-фонд, 14-иш, 27-йиғма жилд.–30-варақ.

<sup>69</sup> Хоразм вилояти ҳокимияти архиви. 1150-фонд, 14-иш, 35-йиғма жилд.–3-варақ.

<sup>70</sup> Олланазаров Б., Файзуллаев Н., Султанов Ж., Ходжаниёзов Э. Хоразм вилоятининг ижтимоий-иқтисодий салоҳияти ва ривожланиши. – Урганч, 2014.–Б.46.

жой билан таъминланди<sup>71</sup>. 2016 йилда 1118 нафар кекса ва ногиронларга бепул тиббий ёрдам кўрсатилди<sup>72</sup>.

2018 йилда 10 та тумандан 98 минг нафар аҳоли яшайдиган 20 та маҳалла танлаб олиниб, 17123 та хонадон шароитини яхшилаш мақсадида республика бюджетидан 20,0 млрд.сўм ва маҳаллий бюджетдан 5,6 млрд.сўм ажратилган<sup>73</sup>. Ижтимоий нафақа харажатлари 2020 йилда 138,7 млрд.сўмни ташкил этиб, бу 2019 йилдагига нисбатан 20,2 фоизга кўп эди<sup>74</sup>.

Уйма-уй юриб ўрганиш орқали аҳолини ижтимоий ҳимоя қилишда маҳаллабай янги тизими шакллантирилиб, 2021 йилда улар сони 1,5 баробар кўпайди. Президент Ш.Мирзиёев таъкидлаганидек, “Ўзбекистон тарихида ижтимоий соҳа бўйича бундай кенг кўламли ишлар ҳеч қачон бўлмаган”<sup>75</sup>. Бутун мамлакатда бўлгани каби Хоразм вилоятида ҳам ижтимоий соҳани ривожлантиришга, ислохотларни изчил амалга оширишга, айниқса, қишлоқ жойларда ижтимоий инфратузилмани шакллантиришга жиддий киришилди.

“Аҳоли бандлигини таъминлаш масалалари” деб номланган иккинчи параграф жаҳонда энг кўп умумэътироф этиладиган долзарб масала аҳоли бандлиги масаласи бўлиб, 1992 йил 13 январда қабул қилинган “Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида”ги Қонуннинг янги таҳрири тасдиқланди<sup>76</sup>. Бу борада Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 1 майдаги “Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида”ги 616-I-сон қонуни<sup>77</sup> ҳамда Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодекси<sup>78</sup> муҳим ҳуқуқий база ҳисобланади. Хоразм вилоятида ҳам аҳоли бандлигини таъминлашда қатор ечимини кутаётган ҳолатлар мавжуд эди. Чет элда ишламоқчи бўлиб, 2000 йил 3 январидан рўйхатга олинган фуқаролар сони 2003 йил бошида 1990 нафарни ташкил қилиб, шундан Жанубий Кореяга 79 нафар ва Шимолий Кореяга 87, жами 166 нафар ёшлар ишлаш учун юборилди<sup>79</sup>. Вилоят ҳокимлиги ташаббуси билан ишчи кучини четга экспорт қилиш учун 2003 йилда 1000 кишилиқ квота ажратилган бўлса, атиги 265 нафари четга ишга юборилган<sup>80</sup>.

Вилоятда иш билан банд бўлган аҳоли сони 2000 йилда 467,2 минг кишини, 1995 йилги кўрсаткичга нисбатан 49 мингга, 2004 йилда 91,4 мингга, 2009 йилда 173 мингга ортган ва 588,2 минг кишига етган<sup>81</sup>. 2001 йилда вилоят иқтисодиёт тармоғида 468,3 минг киши иш билан банд эди,

<sup>71</sup> Хоразм вилояти ҳокимияти архиви. 1150-фонд, 28-иш, 23-йиғма жилд.–10-варак.

<sup>72</sup> Хоразм вилояти ҳокимияти архиви. 1150-фонд, 30-иш, 50-йиғма жилд.–60-варак.

<sup>73</sup> Хоразм вилояти ҳокимияти архиви. 1150-фонд, 34-иш, 75-йиғма жилд.–18-варак.

<sup>74</sup> Хоразм вилояти ҳокимияти архиви. 1150-фонд, 34-иш, 98-йиғма жилд.– 40-варак.

<sup>75</sup> Мирзиёев Ш. Янги Ўзбекистон стратегияси.–Тошкент: Ўзбекистон, 2021.–Б.199.

<sup>76</sup> Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1992 йил, № 4, 175-модда; 1993 йил, № 6, 238-модда; 1994 йил, № 5, 161-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 6, 118-модда.

<sup>77</sup> Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 1 майдаги “Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида” ги 616-I-сон қонуни/(Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1998 й., 5-6-сон, 97-модда;

<sup>78</sup> Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодекси. – Тошкент: Адолат, 1996. – Б.256.

<sup>79</sup> Хоразм вилояти ҳокимияти архиви. 1150-фонд, 16-иш, 13-йиғма жилд. – 8-варак.

<sup>80</sup> Хоразм вилояти ҳокимияти архиви. 1150-фонд, 7-иш, 67-йиғма жилд. –2-варак.

<sup>81</sup> Хоразм вилояти ҳокимияти архиви. 1150-фонд, 16-иш, 13-йиғма жилд. – 13-варак.

2011 йилга келиб, бу рақам 606,7 минг кишига етди<sup>82</sup>. Шу йили бандликни таъминлаш дастури бўйича вилоятда 50,2 минг янги иш ўрни ташкил этилган бўлса<sup>83</sup>, фақат Хазорасп туманида режа бажарилмаган<sup>84</sup>. Вилоятда ташкил этилган 34 та саноат корхонасининг 15 таси ёки қарийб ярми беш йилда, аниқроғи 2012 йилдан 2017 йилга қадар, илгари бундай корхоналар мавжуд бўлмаган туманларда барпо этилди. Шу давр ичида вилоятда 5 минг 300 дан ортиқ янги кичик бизнес субъекти ташкил этилиб, уларнинг умумий сони қарийб 11 минг тага етди<sup>85</sup>. Вилоятда “2013-2015 йилларда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастури” асосида 2013 йилда жами 147,0 млн. долларлик 1576 та лойиҳа бўйича 10424 та янги иш ўрни ташкил этилди<sup>86</sup>.

Президент Ш.Мирзиёевнинг 2018 йил 29-30 ноябрь кунлари Хоразм вилоятига ташрифи доирасида жами 8,7 трлн.сўмлик рўйхатдаги 103 та манзилли лойиҳа билан 15,1 мингдан ортиқ янги иш ўрни яратилган бўлса, 2019 йил ўрталарида 501 та лойиҳани амалга ошириш мақсадида жами 1078,0 млрд.сўм ўзлаштирилиб, 3968 та янги иш ўринлари яратилган<sup>87</sup>.

Хулоса қилиб айтганда, Хоразм вилоятида аҳоли бандлиги бўйича эришилган ютуқлар замирида, албатта, иш ўрни ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастури туради. Зеро, аҳоли бандлиги борасидаги ислохотлар изчил ижтимоий сиёсат билан уйғун ҳолда олиб борилди.

Бобнинг 3-параграфи “Соғлиқни сақлаш тизими ва ижтимоий-экологик вазиятни соғломлаштириш” деб номланади. Унда аҳолига, тиббий хизмат кўрсатиш ва ҳудуддаги экологик вазиятнинг ёмонлашувига оид амалга оширилган ишлар ёритилган. 1991 йилда Урганч шаҳрида Республика “Тез ёрдам” марказининг Хоразм филиали 10 та бўлими очилди. Бу даврда вилоятда кўплаб соғлиқни сақлаш объектлари, туғруқхоналар қурилган.

Вилоят бўйича даволанишга муҳтож бўлган 2303 нафар қариядан 246 нафари Олтиарик, 454 нафари Товоқсой, 10 нафари Нуроний оромгоҳида, 1124 нафар қария эса маҳаллий сиҳатгоҳларда бепул даволанди. 2001 йилда 12887 нафар қария имтиёзли равишда 46 млн. 406,4 минг сўмлик доридармон билан таъминланди<sup>88</sup>.

Оролбўйи жумладан, Хоразм вилояти аҳолиси оғир экологик фалокатга дуч келди. Ушбу фалокатдан аҳолини муҳофаза қилиш харажатлари давлат бюджетида кейинги ўринларда турган<sup>89</sup>. Сўнгги йилларда Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг педиатрия илмий-тадқиқот институти вилоятнинг 3 та тумани(Янгибозор, Хонқа, Гурлан) да ўтказилган

<sup>82</sup> Бобожонов Б., Мадраҳимов Қ. Асрга тенг йиллар. Хоразм вилояти мустақиллик йилларида. 2-китоб. – Тошкент: Yangi nashr, 2011. – Б.117.

<sup>83</sup> Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2010, 12-сон, 499-модда.

<sup>84</sup> Хоразм вилояти ҳокимияти архиви. 1150-фонд, 20-иш, 36-йиғма жилд, –23-варақ.

<sup>85</sup> Мирзиёев Ш. Буюк келажакимизни мард ва олийжаноб халқимиз билан бирга қураимиз. – Тошкент: “O'zbekiston” НМИУ, 2017. – Б.251.

<sup>86</sup> Олланазаров Б., Файзуллаев Н., Султанов Ж., Ходжаниёзов Э. Хоразм вилоятининг ижтимоий-иқтисодий салоҳияти ва ривожланиши. – Урганч, 2014. –Б.42-43.

<sup>87</sup> Хоразм вилояти ҳокимлиги жорий архиви. 2019 йил 6 сентябрда бўлиб ўтган Халқ депутатлари Хоразм вилояти кенгашининг 48-сессияси ҳужжатлари. 1150-фонд, 34-рўйхат, 94-йиғма жилд, 36-варақ.

<sup>88</sup> Эшчанов Р., Давлетов С. Глобал иқлим ўзгариши ва Ўзбекистон шароитида унинг салбий оқибатларидан химояланиш йўллари. Урганч, 2010. – Б.24.

<sup>89</sup> Ўзбекистон. Инсон тараққиёти. 1999. –Тошкент: Ўзбекистон, 2000. – Б.73-74.

текширишларда бир ёшгача бўлган болалардаги турли касаллик ҳар 10000 болага 2886,3 тани ташкил этди. Юқори кўрсаткич Янгибозор туманида (3046,6 нафар) бўлиб, бошқа вилоятларга қараганда 1 ёшгача болалар орасида касалликлар 1,5 баробар юқори эди<sup>90</sup>.

2005 йилда вилоятда 35 та шифохона, 1 та сихатгоҳ, 217 та даволаш профилактика муассасалари, бир сменада 20 минг беморни қабул қилишга мўлжалланган амбулатория, поликлиника муассасалари, жумладан, 147 та қишлоқ врачлик пунктлари қаторига “Сихат-саломатлик йили”да битта янги шифохона (Янгибозор тумани) ҳомийлар кўмаги билан ишга туширилди<sup>91</sup>.

2013 йилда маҳаллий бюджетдан вилоят соғлиқни сақлаш тизимига 167,1 млрд.сўм ажратилди. Беморларни зарур дори-дармон билан таъминлаш учун қарийб 2,3 млрд.сўм маблағ сарфланди<sup>92</sup>.

Хоразм вилоят соғлиқни сақлаш тизимига бюджет маблағлари ҳисобидан 2017 йилда 300 млрд. 947 млн.сўм ажратилган. 2016 йилга нисбатан 116,0 фоизни ташкил қилади<sup>93</sup>. “Аҳолининг атиги 51,2 фоизи хавфсиз бошқариладиган сув манбаларидан фойдаланаётгани сабаб, Хоразм вилоятини ичимлик суви билан таъминлаш”<sup>94</sup> долзарб масала бўлиб қолади.

**III боб “Хоразм вилоятида маънавий – маърифий ислоҳотлар ва маданий тараққиёт”** деб номланиб, икки параграфдан иборат. Бобда вилоятда маънавий қадриятларни тиклаш ва ривожлантириш борасидаги тадбирлар, фан ва таълим соҳасидаги ўзгаришлар хусусида фикр юритилади. Биринчи параграф “Хоразм вилоятида маънавий қадриятларни тиклаш ва ривожлантириш борасидаги тадбирлар” деб номланади. Ушбу масалада вилоятда улкан ишлар амалга оширилди. Тарихан қисқа даврда Хоразм вилояти шаҳарлари шарқона кўриниш, миллий ўзига хослик касб этди. Вилоятда 1992 йилда 4 та халқ театри, 1 та мақомчилар, 1 та вокал-чолғу, 1 та фольклор-этнографик, 2 та “намунали” болалар ҳамда 14 ашула ва рақс халқ жамоалари мавжуд эди<sup>95</sup>. Урганч шаҳридаги Абулғози Баҳодурхоннинг от миниб турган, шоир ва тарихнавис Муҳаммад Огахий, буюк олим Мирзо Улуғбек ҳайкаллари, Амир Темур бюсти, Ватан озодлиги учун курашган Жалолиддин Мангуберди мажмуалари халқ маънавиятини юксалтиришга хизмат қилмоқда. Вилоят бўйича 140 дан ортиқ меъморчилик ва 37 та археологик ёдгорлик бўлса, уларнинг асосий қисми зиёратгоҳлар ва макбаралардир<sup>96</sup>.

<sup>90</sup> Махмудов О., Шамсиев Ф. Заболеваемость детей первого года жизни в экологически неблагополучном регионе Приаралья // Вестник, №5, 2001.– С.8-10.

<sup>91</sup> Хоразм вилояти ҳокимияти архиви. 1150-фонд, 7-иш, 80-йиғма жилд.–82-варақ.

<sup>92</sup> Хоразм вилояти ҳокимияти архиви. 1150-фонд, 26-рўйхат, 23-йиғма жилд. – 19-варақ.

<sup>93</sup> Хоразм вилояти ҳокимияти архиви. 1150-фонд, 33-рўйхат, 59-йиғма жилд. – 29-варақ.

<sup>94</sup> Ўзбекистон Республикасида тадқиқотлар ва инновацияларни таҳлил қилиш ва режалаштириш. Сирин Элси. GOSPIN Илм-фан, технология ва инновацион сиёсат бўйича мамлакат профиллари. 10-Жилд. Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Таълим, Фан ва Маданият масалалари бўйича Ташкилоти, Париж, Франция, ЮНЕСКО, 2020. – Б.24.

<sup>95</sup> Хоразм Давлат Архиви. 545-фонд, 1-рўйхат, 263-йиғма жилд. – 6-варақ.

<sup>96</sup> Ражабова З. Хоразм вилояти тарихий мероси ва ёдгорликларининг маънавиятни юксалтиришдаги аҳамияти (1991-2020 йиллар). Тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси.–Нукус, 2021.– Б.58.

Республика Вазирлар Маҳкамасининг ЮНЕСКО ташкилоти тадбирлари доирасида 1996 йил 3 январда қабул қилинган “Бухоро ва Хива шаҳарларининг 2500 йиллик юбилейига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида”ги қарори, Президентнинг 1997 йил 11 ноябрида эълон қилган “Хоразм Маъмун Академиясини қайтадан ташкил этиш тўғрисида”ги Фармони, Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 23 сентябрдаги “Огаҳий таваллудининг 190 йиллигини нишонлаш тўғрисида”ги, 24 сентябрдаги “Жалолиддин Мангуберди таваллудининг 800 йиллигини нишонлаш тўғрисида”ги қарорлари асосида ўтказилган юбилейлар ана шулардир<sup>97</sup>.

Хоразм рақси ижро услуби ва анъаналарини янги ижтимоий шароитда сақлаш ва ривожлантиришда Қамбар бола, Қодирберган Отажонов, Карим Оллаберганов, Римажон Маткаримова, Матлатиф Саидов, Латиф Зарифов, Худойберган тўқтўқ, Гавҳар Матёкубова кабиларнинг хизматлари катта. Хоразм рақси услуби Хоразм вилоят театри, халқ ансамбллари, “Ўзбекрақс” бирлашмаси тасарруфидаги “Лазги” ансамбли фаолиятида давом этиб келмоқда<sup>98</sup>. Айнан “Лазги” рақсининг 2021 йилда 29 ноябрда дунё сахналарида, хусусан Дубайдаги Dubai Opera театрида “Лазги – қалб ва муҳаббат рақси” номи билан Хоразм рақсининг янги талқини намойиши ўзбек санъати тарихида катта воқелик бўлди<sup>99</sup>. Ўзбек миллатининг тарихий-маданий ёдгорликлари, моддий ва маънавий қадриятларини тиклаш ва юксалтириш асосий вазифа бўлиб қолаверади.

“Фан ва таълим соҳасидаги ўзгаришлар” номли 2-параграфда фан соҳасидаги ўзгаришлар, олиб борилган илмий-тадқиқот натижалари, таълим тизимидаги ислохотлар хусусида фикр юритилган. 1990 йил вилоятда 433 та умумтаълим мактаби, иқтидорли ўқувчилар учун 1 та мактаб интернати, 471 та болалар боғчаси, 31 та мактабдан ташқари муассасалар бўлиб, улардан 19 таси авария ҳолатидаги мактаблар эди. 1991 йилда вилоятда 451 та умумтаълим мактабида 280 минг нафар бола ўқиган<sup>100</sup>. 36 та хунар-техника билим юртида 66 мутахассислик бўйича 17 минг ўқувчи таълим олар эди<sup>101</sup>.

1992 йил 28 мартда Президент Фармони билан Хоразм Давлат педагогика институти негизида Урганч Давлат университети ташкил этилди<sup>102</sup> ва бу ерда малакали кадрлар тайёрлана бошлади. Аждодлар муборак номларини қайта тиклаш, қолдирган бой меросини ўрганиш борасида катта ишлар қилинди. Юздан ортиқ алломалар, бир неча юз шогирдларни бирлаштирган, улкан кутубхона, ёшлар учун мадраса, таржимон ва ҳаттотлар мактаби бўлган Хоразм Маъмун академияси 1997 йил 11 ноябрдаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Хоразм Маъмун академиясини қайтадан ташкил этиш тўғрисида”ги ПФ-1880-сон Фармони<sup>103</sup> билан Хива шаҳрида фаолият кўрсата бошлади. Бу ерда 41

<sup>97</sup> Матниёзов М., Сотлиқов А. Жаҳон тарихи ва маданиятида Хоразм. – Урганч: Хоразм, 1999. –98-б.

<sup>98</sup> Матякубова Г., Эшчанова Ш. Лазги. – Урганч, 2017. – Б.4.

<sup>99</sup> <https://zamin.uz/madaniyat/94090-dubai-operada-lazgi-alb-va-muabbat-rasi-baletining-haloro-premerasi-blib-tdi>.

<sup>100</sup> Хоразм вилояти ҳокимияти архиви. 1150-фонд, 7-рўйхат, 6-йиғма жилд. – 12-варақ.

<sup>101</sup> Хоразм вилояти ҳокимияти архиви. 1150-фонд, 7-рўйхат, 6-йиғма жилд. – 13-варақ.

<sup>102</sup> УрДУ жорий архиви. Урганч Давлат университети тарихи. 2018. – Б.1.

<sup>103</sup> Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1997, 10-сон, 286-модда.–Б.1.

нафар илмий ходим, жумладан 7 фан доктори, 19 нафар фан номзоди фаолият юритади<sup>104</sup>.

1998 йилда Хоразм вилоятда жами тиббиёт муассасалари сони 33 та, бемор ўринлари сони 6688 та, амбулатория поликлиникалар 291 та, врачлар 4109 киши, қишлоқ врачлик пунктлари 170 тани ташкил этган<sup>105</sup>.

Вилоятда 1998-2007 йилларда 29 та янги ўқув муассасаси фойдаланишга топширилди, 43 таси реконструкция қилинди. Бу ишларга 240 млрд.сўм сарфланди<sup>106</sup>. 1998 йилда вилоятда 520 та умумтаълим мактабларида жами 27670 нафар ўқитувчи фаолият юритган<sup>107</sup>. 2012 йилда вилоятда жами 531 та умумтаълим мактаби, 250 та мактабгача таълим муассасаси, 12 та “Баркамол авлод” маркази, 24 та болалар ва ўсмирлар спорт мактаби, 1 та Меҳрибонлик уйи, 11 та мактаб-интернати, 22 та интернат фаолият кўрсатди<sup>108</sup>.

Президент Ш.Мирзиёев жойларда ижтимоий-иқтисодий ислохотларнинг бориши, халқ билан мулоқот қилиш мақсадида 2017 йил 27-28 январь кунлари вилоятга ташрифи чоғида Хоразм Маъмун академиясига борди ва у ерда амалга оширилган ишлар билан танишиб, ўзининг таклиф ва мулоҳазаларини билдирди. 2021 йилда математика фани бўйича 5 та, кимё-биология бўйича 4 та, информатика ва ахборот технологиялари йўналишида 5 та, хорижий тиллар соҳасида 14 та, жами 28 та ихтисослашган мактаблар ташкил қилинди<sup>109</sup>. Хоразм вилоятида илм-фанни ва таълим тизимини тараққий эттириш учун буюк аждодларнинг ворислари сифатида кўплаб устоз-мураббийлар, олимлар ўзбек илм-фани шуҳратини дунёга ёйишга ҳисса қўшиб келмоқдалар.

## ХУЛОСА

Мустақиллик йилларида Хоразм вилояти ижтимоий-иқтисодий ва маданий ҳаётидаги ўзгаришларни тадқиқ этиш натижасида қуйидаги **хулосага** келинди:

1. Мустақиллик Ўзбекистон ва унинг таркибий қисми бўлган Хоразм вилояти аҳолисининг келажаги барқарор ва мустаҳкам бўлиши учун замин яратди. Бу давр, бир томондан, ижтимоий-иқтисодий муаммолар, демографик вазият ва ишсизликнинг кўпайиб бориши, экология танглиги вужудга келтирган асоратларни бартараф этиш, иккинчи томондан эса, тараққиётнинг янги босқичида барча соҳалардаги мавжуд муаммоларни ҳал этишдан иборат муҳим вазифалар тўпланиб қолаётган вазият эди.

2. Хоразм вилояти қишлоқ хўжалигида бозор муносабатларига ўтишнинг биринчи босқичида, республика учун янгилик бўлган фермер

<sup>104</sup>Ражабова З. Хоразм вилояти тарихий мероси ва ёдгорликларининг маънавиятни юксалтиришдаги аҳамияти (1991-2020 йиллар). Тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)дисс.авторреф.–Тошкент, 2021.–45 б.

<sup>105</sup> Кодиров Б. Таълим тўғрисидаги ислохотлар мақсад ва йўналишлари. – Тошкент: Ўзбекистон, 1999.–Б.345.

<sup>106</sup> Хоразм вилояти ҳокимияти архиви, 1150-фонд, 14-рўйхат, 42-йиғма жилд. – 3-варақ.

<sup>107</sup> Хоразм вилояти ҳокимияти архиви, 1150-фонд, 7-рўйхат, 30-йиғма жилд. – 14-варақ.

<sup>108</sup> Хоразм вилояти ҳокимияти архиви, 1150-фонд, 22-рўйхат, 21-йиғма жилд. – 59-варақ.

<sup>109</sup> <https://xorazm.uz/uz/faoliyat/media/rasmiy-maruzalar>.

хўжаликларини ташкил этиш жадаллашди. Орол денгизи таъсирида вилоят экин майдонларининг ярмидан кўпи шўрланган ерларга тўғри келади. Бундан ташқари, сув ва шамол эрозияси вилоят қишлоқ хўжалигига катта зарар етказди. Мавжуд қийинчиликларга қарамасдан, вилоят қишлоқ хўжалигида амалга оширилган хусусийлаштириш сиёсати фермер ва деҳқон хўжаликлари ҳаётида муҳим рол ўйнади, қишлоқда бозор муносабатларининг ривожланишига имкон яратиб берди, янги қувватларни ишга тушириш, инвестициялар жалб қилиш ва янги иш ўринлари яратиш борасида кўплаб ислохотлар олиб борилди.

3. Хоразм вилоятида юқори самарали саноат ва ишлаб чиқариш тизимини шакллантириш ҳукумат иқтисодий сиёсатининг асосий устувор йўналишларидан бирига айланди. Иқтисодиётга хориж инвестициясини жалб қилиш, тадбиркорликни кенг ривожлантириш, янги иш ўринлари яратиш ва аҳоли фаровонлигини оширишда эркин иқтисодий зоналарнинг ўрни катта бўлганлигини “Ҳазорасп” ЭИЗ мисолида кўриш мумкин. Саноатда таркибий ўзгаришлар рўй берди, янги саноат корхоналарида пахта тозалаш, тўқимачилик, гилам, полос ишлаб чиқарила бошланди. Бу даврда вилоятда дунёнинг ривожланган давлатлари ва тадбиркорлари билан ҳамкорликда қатор қўшма корхоналар ташкил этилди. Хоразмда ишлаб чиқарилган маҳсулотларнинг кўпчилиги АҚШ, Франция, Буюк Британия, Швейцария, Австралия, Бельгия, Бирлашган Араб амирликлари, Россия, Украина, Беларусия, Қозоғистон, Қирғизистон каби мамлакатларга экспорт қилинади, импорт ҳам асосан шулар билан амалга оширилади.

4. Аҳолининг иқтисодий ночор қатламларини манзилли ижтимоий кўллаб-қувватлашни янада кучайтириш, аҳолининг турмуш даражаси ва фаровонлигини оширишнинг ҳуқуқий асослари ва моддий-техника базасини мустаҳкамлаш бўйича чора-тадбирлар изчиллик билан амалга оширилди. Вилоятда ижтимоий ҳимоя тизимининг ўзига хос тажрибаси ва анъаналари тўпланди ҳамда амалиётга жорий этилди. Айрим жойларда соҳа вакиллари ўз ишига масъулият билан ёндашмаганлиги боис, ҳимоя тизимида муайян хато ва камчиликларга ҳам йўл қўйиш ҳолатлари содир этилди.

5. Жаҳонда энг кўп умумэътироф этиладиган долзарб масала аҳоли бандлиги масаласи бўлиб, Ўзбекистонда аҳолини иш билан таъминлаш борасида қабул қилинган қарорлар ва ҳуқуқий ҳужжатлар вилоят аҳолиси бандлигини таъминлашда қатор ечимини кутаётган мавжуд ҳолатларга барҳам берди. Аҳоли турли қатламларини иш билан таъминлаш маҳаллий ҳокимият органларининг энг муҳим вазифаларига айлантилди. Жойларда ижтимоий таъминот бўлимлари ишини йўлга қўйиш ва яхшилашга эътибор қаратилди. Аҳолини иш билан таъминлашнинг махсус дастурлари ишлаб чиқилиб, ижтимоий инфратузилмада сифат ўзгаришлари амалга оширилди.

6. Хоразм вилоятида аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш ва ҳудуддаги экологик вазиятнинг ёмонлашувиغا оид амалга оширилган ишлар соғлиқни сақлаш тизимини ривожлантириш, экологик вазиятни барқарорлаштириш, ислохотларни изчил амалга оширишга ёрдам берди. Оролбўйи жумладан, Хоразм вилояти аҳолиси оғир экологик фалокатга дуч келганлиги боис,

уларни муҳофаза қилиш учун соғлиқни сақлаш тизимига бюджет маблағлари ҳисобидан 2017 йилда 300 млрд. 947 млн.сўм ажратилган. 2016 йилга нисбатан 116,0 фоизни ташкил қилади. Аҳолини тоза ичимлик суви ва табиий газ билан таъминлаш юзасидан ҳам давлат томонидан қатъий чоратадбирлар ишлаб чиқилиб, тўхтовсиз ҳаётга татбиқ этиб борилди, турмуш шароити ҳам энгиллашиб борди.

7. Вилоятдаги маънавий кадриятларни тиклаш, тарихий обидаларни сақлаш, таъмирлаш ва тарғибот ишларига алоҳида эътибор қаратилиб, “Ичан қалъа”даги барча обидалар ЮНЕСКО маданий мерос ёдгорликлари рўйхатига киритилди. Нуруллабой ва Улли ҳовли мажмуаси тўлиқ таъмирланди, жасур саркарда ва буюк мутафаккирлар номларини улуғлаш билан бирга, сайёҳларга хизмат кўрсатиш юқори даражада олиб борилди. Миллий кадриятлар ва маънавий меросни чуқур илмий тадқиқ этиш, унинг кенг тарғиб қилиниши ўзликни англаш, миллий ғурурни шакллантиришда муҳим аҳамият касб этади. Вилоят ўз хусусияти ва қадимий анъаналарига эга. Хоразм фольклори, мақомлари, суворалари, халфачилик, “Лазги” раксининг ЮНЕСКО рўйхатига киритилиши катта тарихий воқеликдир.

8. Хоразм вилоятида биргина 2021 йилда математика фани бўйича 5 та, кимё-биология бўйича 4 та, информатика ва ахборот технологиялари йўналишида 5 та, хорижий тиллар соҳасида 14 та, жами 28 та ихтисослашган мактаблар ташкил қилинди. Вилоятнинг илм-фанни ва таълим тизимини тараққий эттириш учун буюк аждодларнинг ворислари сифатида кўплаб устоз-мураббийлар, олимлар ўзбек илм-фани шухратини дунёга ёйишга ҳисса қўшиб келмоқдалар. Бошланган ишларни давом эттириш, янги поғонага кўтариш, муҳими истеъдодли, илм-фанни эгаллашга интилаётган ёшларнинг жамиятда муносиб ўрин эгаллашига эришиш, чуқур билим ва малакага эга, маънавий бой ва мустақил фикрловчи, ватанпарвар авлодни тарбиялашга алоҳида эътибор қаратилди.

**Асосий таклиф ва тавсиялар** қуйидагилар:

- таълим ва тарбияни ривожлантириш, соғлом турмуш тарзини қарор топтириш, илм-фан ва инновацияларни тараққий эттириш мақсадида тадқиқот натижаларини республика олий ўқув юртлари талаба ва магистрларининг ўқув дастурларига киритиш;

-интернет тармоғида кадриятлар ва маънавий меросни кенг ёритиш мақсадида ўзбек тилидаги ресурсларни кўпайтириш.

-вилоят қишлоқ жамоаларининг аҳволи, уларнинг ўзига хос хусусиятларини ўз ичига қамраб олган қишлоқларнинг яхлит тарихини яратиш ва уни нашр эттириш лозим.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ PhD.03/30.06.2021.Tar.55.05 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ  
УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ УРГЕНЧСКОМ ГОСУДАРСТВЕННОМ  
УНИВЕРСИТЕТЕ**

---

**УРГЕНЧСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ УНИВЕРСИТЕТ**

**ВАИСОВ АЗАД ХАСАНОВИЧ**

**ИЗМЕНЕНИЯ В СОЦИАЛЬНО-ЭКОНОМИЧЕСКОЙ И КУЛЬТУРНОЙ  
ЖИЗНИ ХОРЕЗМСКОЙ ОБЛАСТИ ЗА ГОДЫ НЕЗАВИСИМОСТИ  
(1991-2021гг.)**

**07.00.01 – История Узбекистана**

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ  
ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD) ПО ИСТОРИЧЕСКИМ НАУКАМ**

**Ургенч – 2022**

**Тема диссертации доктора философии (PhD) по историческим наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за B2022.2.PhD/Tar10.**

Диссертация выполнена в Ургенчском государственном университете.  
Автореферат диссертации на трех языках (узбекском, русском, английском (резюме)) размещен на ранице по адресу ([www.urdu.uz](http://www.urdu.uz)), а также на информационно-образовательном портале «ZiyonNet» по адресу [www.ziyonet.uz](http://www.ziyonet.uz)

**Научный руководитель:** Бобожонова Дилором Бобожоновна  
доктор исторических наук, профессор

**Официальные оппоненты:** Кошанов Бахыт Абдикеримович  
доктор исторических наук, профессор

Обломуродов Наим Халимович  
доктор исторических наук, профессор

**Ведущая организация:** Национальный университет Узбекистана  
имени Мирзо Улугбека

Защита диссертации состоится « 17 » 12 2022 года в 14 часов на заседании Научного совета PhD. 03/30.06.2021.Tar.55.05 при Ургенчском государственном университете (Адрес: 220100, г. Ургенч, улица Х. Олимжона, 14. Ургенчский государственный университет. Тел.: (99862) 224-67-00; факс: (99862) 224-67-00; e-mail: [info@urdu.uz](mailto:info@urdu.uz)).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсов центре Ургенчского государственного университета (зарегистрирована под № 631). (Адрес: 220100, г. Ургенч, ул. Хамида Алимджана, 14. Тел.: (99862) 224-67-00; факс: (99862) 224-67-00.

Автореферат диссертации разослан « 5 » 12 2022 года.  
(реестр протокола рассылки № 7 от « 5 » 12 2022 года).



**С. Р. Давлетов**  
Председатель научного совета по присуждению ученых степеней,  
доктор исторических наук, профессор

**Я. А. Каримов**  
Ученый секретарь научного совета по присуждению ученых степеней,  
доктор философии (PhD), доцент

**У.И.Абдуллаев**  
Председатель научного семинара при научном совете по присуждению ученых степеней, доктор исторических наук, доцент

## ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

**Актуальность и востребованность темы диссертации.** В связи с ростом динамики инновационных процессов в мире, анализом социально-экономического и культурного развития становится важным изучение процесса комплексных реформ и их результатов в стране. В условиях современной глобализации каждая страна ставит перед собой амбициозные цели и ориентируется на социально-экономическую и культурную сферы, которые считаются очагом развития.

Научные исследования проводятся в ряде научно-исследовательских учреждений в связи с внедрением современных инноваций для развития экономической и культурной сферы в мировом масштабе, изучением причин возникновения проблем в этих сферах, развитием экономики, а также разработкой научных подходов к осуществлению изменений в культурной сфере.

Минувшие годы независимости стали периодом коренных перемен в судьбе узбекского народа. В связи с проделанной большой работой возникла необходимость комплексного изучения преобразований облика страны, формирования нового экономического строя и производственных отношений, важных для социально ориентированной рыночной экономики, реформ и обновлений, социально-экономического и культурного развития. Одной из важных задач историков является формулировка выводов на основе историко-научного анализа и достижений в этих областях в стране, в том числе и в Хорезмской области, входящей в ее состав. В связи с этим в Указе Президента Республики Узбекистан «О стратегии развития Нового Узбекистана в 2022-2026 годы» поставлена цель<sup>110</sup> дальнейшего развития и изучения истории Узбекистана. Президент Ш.Мирзиёев подчёркивает, что «Нация, которая черпает силы в прошлых достижениях и победах, делает выводы и извлекает уроки из своих ошибок и поражений, может правильно определить собственный путь развития и будущего»<sup>111</sup>. По этой причине подлинное изучение изменений в социально-экономической и культурной сферах Хорезмской области за минувшие годы независимости является одной из актуальных задач.

Настоящая диссертация в определенной степени будет способствовать реализации Указов Президента Республики Узбекистан № УП-4947 «О стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан» от 7 февраля 2017 года и № УП-4949 «О мерах по дальнейшему совершенствованию оказания специализированной медицинской помощи в учреждениях здравоохранения Хорезмской области» от 24 мая 2017 года, Постановлений Президента № ПП-2843 «О мерах по дальнейшему совершенствованию мер по созданию дополнительных благоприятных

---

<sup>110</sup>Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги ПФ-60-сон Фармони/ <https://lex.uz/pdfs/5841063>.

<sup>111</sup>Шавкат Мирзиёев. Янги Ўзбекистон стратегияси. – Тошкент: Ўзбекистон, 2021. – Б. 288.

условий для ведения предпринимательской деятельности в Хорезмской области и Республики Каракалпакстан» от 17 марта 2017 года, № ПП-3613 «О мерах по реализации объектов государственной собственности и организации малых промышленных зон субъектам предпринимательства в Хорезмской области» от 6 февраля 2018 года, № ПП-4819 «О мерах по развитию предпринимательства в Хорезмской области и повышению его инвестиционной привлекательности» от 17 августа 2020 года, № ПП-5195 «О мерах по организации строительства газопоршневой электростанции мощностью 174 мвт в Хорезмской области» от 24 июля 2021 года, а также задач предусмотренных в других нормативно-правовых актах.

**Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий республики.** Данная диссертация выполнена в рамках приоритетного направления развития науки и технологий в республике

I. «Формирование системы инновационных идей и способов их реализации в социально-правовом, экономическом, культурно-духовном и образовательном развитии республики, информационного общества и демократического государства».

**Степень изученности проблемы.** К настоящему времени выполнен ряд научно-исследовательских работ, связанных с изменениями в социально-экономической и культурной сфере страны, в различных областях общественных наук, включая историю, право, философию и политические науки; проделан углубленный анализ и выработка предложений и рекомендаций, направленных на их решение. При анализе литературы, отражающей исследования в этом направлении с точки зрения истории, их можно разделить на две группы: литература времен независимости и произведения зарубежных авторов.

В историографии независимого Узбекистана история регионов как отдельный объект исследования изучается редко. В частности, история периода независимости Хорезмской области до конца не изучена как отдельная комплексная исследовательская работа. Социально-экономическая жизнь страны в той или иной степени частично изучена учеными различных направлений. Поэтому изучение и анализ социально-экономической и культурной жизни Хорезмской области в этот период имеет большое научное значение.

В последние десятилетия XX века Нижнеамударьинский регион, в том числе и Хорезмская область, стала основной темой для многих ученых. Эти группы различаются по направлению и способу раскрытия важных вопросов социально-экологической среды региона нижней Амударьи. Во многих источниках отражается только положительные стороны социально-экономической жизни рассматриваемого региона. Хотя проблема объясняется с точки зрения коммунистической идеологии, важно раскрыть в них характер исторических процессов<sup>112</sup>. Ученые ввели в научный оборот множество

---

<sup>112</sup>Алимов Т., Рафиқов А. Экологик хатолик сабоқлари. – Тошкент: Меҳнат, 1991. – 53 б.

документальных источников и сумели свести их в единую систему. Хотя эти работы были созданы под давлением советской власти, но фактологическая информация в них имеет особую ценность.

**К первой группе** относятся работы, опубликованные накануне независимости в которых описывается экологическая ситуация вокруг Аральского моря и ее влияние на общественную жизнь. В частности, проблемы социально-экономической и экологической ситуации частично освещаются в работах Л. Максаковой, Р. Убайдуллаевой, Р. Аминовой, Ф. Камиловой. В них чувствуется дух независимого мышления, непредвзятой оценки и частичного отражения негативных ситуаций в жизни Узбекистана<sup>113</sup>. Исследования Ю.Шодиметова, П.Шермухаммедова, М.Аметова, С.Камолова, Р.Нурымбетова, К.Юсупбаева, Х.Одилкориева и Б.Очилова по проблеме Арала помогут дополнить тему. Они освещают социально-экологическую ситуацию и проблемы здравоохранения в Нижнеамударьинском регионе<sup>114</sup>. Свое беспристрастное мнение о трагедии Аральского моря авторы высказали на страницах местной прессы<sup>115</sup>.

